




ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

Газета 1991 йил 24 апрелдан чиқиб бораётган

2006 йил 15 июл,
шанба № 118 (2167)

ISHONCH



МЎЪЖИЗА БАҒРИДАТИ МЎЪЖИЗА

МУҚАДДИМА

Фаввора... Муқаддас она - заминнинг пок бағридан само сари отилиб, яна унинг ўзига қайтувчи шаффоф гўзаллик.

Аслида обиҳаёт бўлмиш сувнинг ўзи табиатнинг бир мўъжизаси. Ҳар шаклда ўйноқлаб, руҳ ва танга ҳузур, кўзларга сурур бағишловчи фавворалар эса табиат мўъжизаси саналмиш сувдан инсон кўли ила бунёд этилган яна бир мўъжизадир. Унинг қаршисида гўзалликка ташна қалбимиз

ёхуд фавворалар

«фаолияти»га бир назар

олам-олам завқ олади. Гуёки фавворалар ердан эмас, қалбимиздан отилиб чиқаётгандек энтика-миз. Айниқса, иссиқ ёз фаслида фавворалар теграсидаги салқин ва мусаффо ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олар эканмиз, беихтиёр ушбу мўъжизанинг яратувчилари хусусида ўйлай бошлаймиз...



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигини нишонлаш ҳамда давлатимиз мустақиллиги, истиқомати ва судураффа қудратини мустаҳкамлаш, сарҳадларимизнинг ҳавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватаннинг муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.
2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонининг Низоми ва тавсифи 1, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ш.Мирзиёев) бир ой муддатда «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишонлари ва улар гувоҳномаларининг бланкалари белгиланган тартибда тайёрлинишни таъминласин.
4. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Р.Шамшиев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 19 июн

Саҳифаларда:

ХАТЛАР — ҲАЁТ ОЙНАСИ


3

ИЛДИЗЛАРИМИЗ
ОМОН БЎЛСИН

4

ЧЎФ УСТИДА
ЎЙНАЁТГАН БОЛАКАЙ

9



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли
Фармониغا 1-илова**

**«Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигига 15 йил»**

**эсдалик нишони
тўғрисидаги Низом**

1. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан давлатимиз мустақиллиги, иқтисодий, сиёсий, илмий-таълим, маданий, маънавий салоҳияти ва мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, унинг сарҳадлари хавфсизлиги ва дахлсизлигини таъминлаш, мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизациялаш, Ватанимиз муносиб ёш авлодини тарбиялаш ишида фидокорлик намуналарини кўрсатаётган зиёлилар, фан ва санъат арбоблари, ишчи ва хизматчилар, тадбиркорлар, фермерлар, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва бошқа шахслар тақдирланадилар.

2. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони билан ушбу Низомнинг биринчи бандида кўрсатилган хизматлари учун Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президентини номидан вазирликлар, идоралар ва жамоат бирлашмаларининг республика органлари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан тантанали вазиятда топширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома берилади.

4. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони кўкракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2006 йил 19 июндаги ПФ-3763-сонли
Фармониغا 2-илова**

Ўзбекистон

Республикасининг

**«Ўзбекистон Республикаси
мустақиллигига 15 йил»**

эсдалик нишони ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 15 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотишмасидан тайёрланади, у диаметри 34 миллиметрли доира шаклига эга.

Эсдалик нишонининг олд томонида Мустақиллик ва эзгулик монументи (Мустақиллик ва Бахтиёр она ёдгорликлари) тасвирланган. Монумент ортида Мустақиллик майдонидаги Арканнинг бир қисми ўрин олган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида Арканнинг бир қисми билан монумент орасида Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг юбилей санасини англатувчи «15 YIL» деган ёзув бор.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MUSTAQILLIGIGA» сўзлари ёзилган.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмининг марказида «2006» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзув қабарикдир.

Эсдалик нишонининг қирралари гардиш билан ҳошияланган. Эсдалик нишони ҳалқачалар ва илгакча ёрдамида устки қисмига эни 20 миллиметрли самовий-зангори рангдаги ипак лента ўралган тўғри тўртбурчак шаклидаги қадағич (колодка) билан туташтирилади.

(Боши 1-бетда)

ҚАДИМ ИЛДИЗЛАР

Хар бир ихтиронинг ўз ўтмиши мавжуд. Телевизор, телефон, радио, компьютер каби ҳаётини эҳтиёжимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган техникалар инсониятнинг яқин ўтмиши, яъни XIX- XX асрларда яратилган бўлса, айрим ихтиролар мозий бағрига чуқурроқ «илдиз отган». Инсоннинг ўзига хос ихтироларидан бири саналган фавворалар ана шундай узоқ ўтмишга эга ихтиролардандир.

Ҳақиқатан ҳам, фаввораларни Саъдий, Низомий, Навоий ва Бобур асарларига ишланган суратларда ҳам кўришимиз мумкин. Тарихий маълумотларда қайд этилишича, истироҳат боғларини фавворалар билан оройиш қилиш санъати юртимизда қадимдан мавжуд. XIV - XVI асрлар минаюраларида қаср ва саройларнинг олд қисмида, майдончаларида четлари мармар билан безатилган ҳовузларни ҳамда уларни сув билан таъминлаб турган фаввораларни кўрамыз. Бундай фавворалар буюк бунёдкор бобомиз Амир Темурнинг Шаҳрисабздаги Оксаройида, Самарқанддаги Дилкушо боғида, Бобур боғларида, шунингдек, Ситорайи Моҳи - Хосса саройларида бўлган. Шуниси аҳамиятлики, фавворалар юртимизда дастлаб XIV - XV асрлардаги сарой меъморчилигида учраган бўлса, Европада анча кейин, XVII - XIX асрларда пайдо бўлганлиги тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган.

Қадимшунос олим Ёткир Алимовнинг ёзишича, XIV - XV асрлардаги Самарқанд атрофларида Амир Темур барпо қилган боғлар ва саройлар олдидида моҳирлик билан бунёд этилган гўзал фавворалар алоҳида ўрин тутган. Жумладан, бу ҳақда Амир Темур ҳузурига келган Испания элчиси Клавихо ҳам Дилкушо боғида кўрганларини битиб қолдирган. «Подшо махсус кўйилган баланд ўриндикда ўлтирар ва унинг олдидида суви тепага отилиб турган фаввора бўлиб, фавворада қизил олмалар қалқиб турарди», деб ёзган элчи.

Ўша давр фаввораларига сув махсус тайёрланган сопол қувур орқали келиб, отилиб чиққан ва ҳовузчаларга тушган, сўнг ёпиқ ариқчалар орқали ташқарига оқиб чиққан. Уларнинг тузилиши айлана бўлиб, атрофига шаклига мос тарзда мармартош ётқизилган.

**МЎЪЖИЗАНING
БУГУНГИ ҚИЁФАСИ**

Тошкентга ташриф буюрган хар бир меҳмоннинг диққатини шаҳарда жойлашган кўплаб фаввораларнинг жозибаси тортиши шубҳасиз. Айни вақтда 30 дан зиёд фавворалар пойтахт кўржига кўрк қўшиш билан бир қаторда, иссиқ ёз ойларида кишиларнинг севимли дам олиш масканлари ҳам саналади. Уларнинг аксарияти юртимиз мустақилликка эришгандан кейин бунёд этилган.

Тошкент фаввораларининг яна бир аҳамиятли жиҳати мавжуд. Улар кўриниш жиҳатидан бир-бирини такрорламайди, аксинча, уларнинг хар бири ўзига хос санъат асари даражасидадир. Бунинг исботини «Мустақиллик боғи»даги (Ўзбекистон шохқўчаси) бир-бирига яқин жойлашган фавворалар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Анҳор ўртасидан отилиб турадиган фаввора ҳам айни шу сўлим масканга жозоба бағишлаб туради. Амир Темур хиёбонидаги гулсифат қилиб ишланган тўрт фаввора ҳам бетакрор кўриниш касб этган.

Тошкент фаввораларининг

барчасига оқсак санъат намунаси сифатида таъриф бериш мумкин. Масалан, Темурийлар даври тарихи музейи олдидидаги фаввора кишида гўё шу масканга ташриф буюрувчилар оёғи остига тўшалаётгандек тасаввур уйғотса, Мустақиллик майдонида бунёд этилган фаввора олдидида хар бир инсон ўзини табиий шаршара ёнида тургандек сезади. Юртимиз дарвозаларидан энг асосийси саналмиш Тошкент халқаро аэропорти олдидида қурилган фаввора эса Ўзбекистонимизга ташриф буюраётган меҳмонларга ушбу замин бу каби мўъжизалар бешиги эканлигини уқтираётгандек...

Бунда ушбу мўъжизаларни бунёд этган инсонларнинг маҳоратлари, гўзалликини хис этишлари

боримиздан четда қолмаслиги даркор. Яъни, фавворалар суви чўмилиш учун яроқлими? Келинг, мутахассиснинг бу борадаги фикрлари билан танишиб кўрайлик.

— Бир қатор фавворалар маъмурий биноларни салқинлатувчи жиҳозлар сувини соғутиш вазифасини ҳам бажаради, — дея фикрини давом эттиради суҳбатдошимиз. — Мустақиллик майдони, «Халқлар дўстлиги» ва «Туркистон» саройи олдидидаги фавворалар шулар жумласидан. Шунингдек, барча фавворалар сувлари айланма ҳаракат қилади. Яъни, ҳовузда тўпланган сув махсус ускуналар орқали яна фаввора бўлиб отилиш ҳуссиятига эга. Демак, фаввора-



**МЎЪЖИЗА БАҒРИДАГИ
МЎЪЖИЗА
ёхуд фавворалар
«фаолияти»га бир назар**

ва ярата билишлари катта аҳамият касб этади, албатта. Дарвоқе, пойтахт аэропорт олдидидаги фаввора лойиҳаси муаллифи В.Акопджаняндр.

**ФАВВОРА — ЧЎМИЛИШ
ҲАВЗАСИ...МИ?!**

Баҳор ўз ўрнини ёзга бўшашига тайёргарлик кўраётган палла, яъни май ойиданоқ аксарият фавворалар кичик ёшдаги болаларнинг севимли масканига айланади: улар бу ерда мириқиб чўмила бошлайдилар. Ёзги таътил бошланиши ҳамон чўмилиувчилар сони яна ҳам ортади. Ҳатто айрим ота-оналар дам олиш кунлари фарзандларини атайлаб фавворалар олдига бошлаб келадилар. Чунки бу «бир ўк билан икки кўённи уриш» учун ажойиб имконият-да. Яъни ҳам ўзлари иссиқ кунда салқин фаввора ёнида дам олишади, ҳам фарзандларининг доимий хархашаси ижобий ечим топади.

— Албатта, бизнинг жазирама ёз кунларида фаввора ёнига интилимиз бежиз эмас, — дейди биз билан суҳбатда «Шарқ шаббода» ёпиқ турдаги акционерлик жамияти етакчи мутахассиси Анвар Ҳақимов. — Чунки отилиб турган сув салқин микроклим ҳосил қилади. Шунингдек, ўтказилган тадқиқотлар натижасида фавворалар отилиб турган пайтда кўп миқдордаги манфий ионлар вужудга келиши ҳам аниқланган. Бу эса инсон соғлиғига ижобий таъсир кўрсатади.

Ана шундай сўлим, инсон саломатлиги учун ижобий таъсир кўрсатувчи масканда катталарнинг салқинлаши баробарида болакайларимизнинг мириқиб чўмилаларини ҳам тўғри қабул қилишимиз мумкин. Чунки чўмилиш, офтобда тобланиш фарзандларимиз чиниқшининг омилдир. Бироқ масаланинг яна бир жиҳати борки, у эъти-

лар сувлари истеъмол қилиш учун ҳам, чўмилиш учун ҳам мувофиқ келмайди.

Албатта, фавворалар ҳовузида чўмилаётган болаларнинг сув ютиб юбормасликларига ҳам ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу маънода уларга завқ бераётган чўмилиш жараёни болакайларнинг соғликлари учун хавфли ҳамдир. Фарзандларининг фаввораларда чўмилишига рухсат бераётган ота-оналарнинг ҳаммаси ҳам бундан бирдек хабардор бўлмасликлари мумкин. Шу боис фавворалар ёнида «Чўмилиш мумкин эмас» дея ёзилган тахтачаларнинг ўрнатилиши мақсадга мувофиқдир балки...

ХОТИМА

*Бунчалар ўйнайсан, тошасан,
Фаввора, самога шошасан,
Сенда йўқ изтироб ва қайғу,
Ол мени бағринга, шаффоф сув...*

Инсон табиатинан гўзаллик шайдоси. Жазирама ёз фаслида бизга салқинлик бахш этувчи, шунингдек, ўз жозибаси билан барчани мафтун этувчи фавворага, аввало, унинг кўзни қувнатувчи гўзаллиги учун ҳам интиламиз. Фаввора сувларининг майин шовуллаши чароқларимизни тарқатаётган, салқинидан вужуду руҳимизни яйратаётган бир пайтда, ҳеч бўлмаса, «Болаларнинг бегонаси бўлмайди» жумласини ёдга олайлик-да, фаввораларда яйраб-қувнаётган эртанимизнинг эгаларидан бир оғиз насихатимизни аямайлик. Ҳақиқатан ҳам хар бир ота-она ўз фарзандига фавворалар сувларида чўмилиш соғлиқ учун хавфли эканини англатса-ю, ушбу ҳолатларга барҳам берилса, мўъжиза бағрида яратилган мўъжиза том маънода биз учун фақат эзгулик ҳада айлаган бўлур эди...

Мактуба МҰМИНОВА

Хатлар — хаёт ойнаси

Газета ва газетхон

Қишлоқ инфратузилмасини шакллантириш ва аҳолига қулай шароитлар яратиш борида Қўшқўпир туманида ҳам сўнгги йилларда бир талай ишлар қилинапти. Хусусан, одамлар саломатлигини муҳофазалашга катта эътибор қаратиляпти. Шу кунгача 21 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Уларни жаҳон андозаларига мослаштириш мақсадида 20 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ўрнатилди.

Шунингдек, марказий шифохона ва унинг бўлимлари ҳам қайта таъмирланиб, мутахассислар масъулиятини оширишга, уларни илғор тажрибалардан бахраманд этишга муттасил аҳамият бериб келинмоқда. Шу кунгача 50 нафарга яқин шифокор малакаси оширилди ва қишлоқ врачлик пунктларига юборилди.

Хомийлар ва шифокорлар ри ва якка-ёлғизларга тиббий хизмат кўрсатиш бўйича, ай-

Инфратузилма

...ЯНА 21 ТА ВРАЧЛИК ПУНКТИ

мат кўрсатиш қаторида соҳада банд бўлганларни ижтимоий муҳофазалаш ҳамда уларга шарт-шароитлар яратиш ҳам гоёт муҳимдир. Қўшимча меҳнат вақти учун рағбатлантириш, ходимларни санаторий ва профилакторийларда дам олдириб, соғликларини тиклаш масаласи жамоа шартномасига кўра амалга оширилмоқда. Кам таъминланган, меҳнат фахрийла-

ниқса, эътиборга молик ишлар кўп. Масалан, 398 нафар кишига дори-дармон бепул берилиб, 40 нафари санаторийларда соғломлаштирилди. 30 нафар тажрибали тиббиёт ходимларининг эл саломатлиги йўлидаги хизматлари рағбатлантирилди.

Шахло МАВЛОНОВА,
Хоразм вилояти



Суратда: қайта таъмирланган марказий шифохона биноси.

Акс садо БАРГИ-ХАЗОН

билганга даромад
манбаи

— **Ризк-рўзимиз манбаи бўлган ерга беписандлик билан қараш оқибатида ҳосилдан бўшаган экин майдонлари айрим кишилар томонидан ёқиб юборилаётгани хусусида газетада босилган танқидий мақола бизни қаттиқ ҳаяжонлантирди. Даврадошлар ҳамкорликда ўқиб, баҳс-мунозара юритдик.**

Ҳақиқатдан ҳам бугдўй ўриб бўлингач, баъзи одамлар тезроқ ерни ҳозирлаб, такрорий экиш баҳонасида катта-катта майдонларга ўт қўйиб юборишади. Ҳолбуки, ёқилган ер ҳолсизланиб, таркибидаги маъданларни йўқотгач, узок борса 17-20 центнердан ҳосил беришни тупроқшунос ва соҳа мутасаддилари таъкидлашмоқда.

Тадбиркор сифатида кўпгина давлатларда бўлганман. Дехқон оиласидан чиққанман сабабли, албатта ўша жойлардаги шу соҳа ишлари билан кўп бор ўз қизиқишимни билдирганман. Масалан, Японияда етиштирилган маҳсулотдан қолган чиқинди, ҳатто барг-хазонни ҳам ёқиб юборишмас экан. Нимага деганда жойларда шу иш билан шуғулланувчи махсус ташкилотлар тузилган. Улар экин қолдиғи ва хазонни тўплаб ўғит тайёрлашаркан. Ер ва ҳосилдорликни оширишда ушбу тадбирларнинг аҳамияти беқийсизлиги боис, бу ташкилотларга фермерларнинг эҳтиёжи катта бўлиб, шунинг кетидан миллионлаб даромад кўриларкан.

Ҳатто, кунчиқар мамлакатда қишлоқ мактаблари ўқувчилари ҳам дарсдан бўш пайтларида шу иш билан шуғулланиб, яхшигина сармояли бўлиб олишаркан. Қиссадан ҳисса сифатида ўзимизда ҳам шундай тажриба қўлланса, яхши бўларди. Ахир, юртимизда экин майдонлари ва ўрмончиликка ихтисослашган жойлар кам эмас-ку. Ана шунда бебаҳо бойлик исроф бўлиши ва ерлар ёқиб юборилиши барҳам топарди.

Одил МИНГНОРОВ,
Жиззах вилояти

Кейинги йилларда бошқа соҳалар қатори йўлларни ободонлаштириш ва жаҳон талабларига мослаштиришга катта эътибор берилмоқда. Табиийки, транспорт воситалари ҳам кескин ортиб бораётди. Шунга қарамай, давлат автомобил назорати ходимларнинг саъй-ҳаракати, ҳайдовчиларнинг хушёрлиги ва ҳаракат хавфсизлигига тўла риоя этилиши натижа-сида автотранспорт тўфайли келиб чиқиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар камаймоқда. Бироқ...

Йўналиш бўйича кетаётган автобус ҳайдовчиси чорраҳадан жилибоқ ошиғич тормозни босди. Бири-бирига урилган одамлар

нима гаплигини англамасдан ҳайдовчини қойиб бошлади. Маълум бўлишича, У.Носир кўчаси билан кесишган чорраҳада машиналар серқатнов бўлса-да, бола кўтарган аёл ҳали у

ЧОРРАҲАДАГИ ТЎРТИНЧИ ЧИРОҚ

ҳайдовчига, ҳали бошқасига қўл тутиб «хайр» қилишни сўраб, ён-атрофдан физиллаб ўтаётган техникаларга эътибор ҳам қилмаслиги оқибатида хатарли ҳолат юзага келган экан.

«Чор-су», «Олой», «Янги-

обод», «Юнусобод» каби бозорлар атрофидаги ва Навоий номли кўчанинг энг серқатнов йўналиши — Абай кўчаси билан боғловчи чорраҳаларда, «Болалар дунёси» магазини, Фарҳод бозо-

ри ёнидаги кесишган йўлларда шаҳар хуснига ва халқимиз шаънига доғ туширувчи ана шундай кўнгилсиз ҳолларни кўриш мумкин.

Ачинарлиси, чорраҳадаги тўртинчи чироқ бўлиб, ҳаракат хавфсизлигига раҳна со-

Меҳнат ярмаркаси

ИШСИЗЛИК КАМАЙМОҚДА

Йўлдошжон эрталаб уйдан чиқиб кетаётганида кайфияти бир нави эди. Аммо кечқурун қўлида бир даста гул билан қайтди. Юзида табассум, сўзларидан бол томарди. Анча вақтдан буён хонадонда бундай хушқайфият бўлмаганди. Дастурхон атрофида тўпланишгач, Йўлдошжон туман марказида меҳнат ярмаркаси уюштирилгани, уни ҳам яхшигина жойга ишга тақриф этишгани ва ҳатто корхонадагилар касб ўргатишни ҳам ўз зиммаларига олганини завқ-шавқ билан сўзлаб берди.

Бандлик дастури ижросини таъминлаб, одамларни доимий ишга жалб этиш соҳасида Шаҳрихон туманида йил бошидан буён бир неча бор тадбирлар уюштирилди. Иш излаётганлар учун турли курслар ташкил этилди. Айни чоғда бошқа имкониятлар изланмоқда.

— Ҳамкорлик асосида уюштирилаётган ана шу тадбирларда худуддаги барча корхона ва ташкилотлар, якка тартибдаги субъектлар ҳамда фермерлар фаол иштирок этишяпти, — дейди туман прокурори Олимжон Солиев. — Шу кунгача доимий ишга жойлаштириш бўйича 250 та йўлланма берилди. Яна 75 киши вақтинчалик ишга жойлаштирилди. Бандлик масаласи янги иш ўринлари барпо этиш эвазига шаклланапти.

Дарвоқе, туманда бу борада нисбатан анчагина тажрибалар тўпланган. Ўтган даврда касаначиликни ривожлантириш ҳисобига Йўлдошжон сингари 700 та хонадоннинг рўзғор кам-кўсти билан боғлиқ муаммоси барҳам топди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги соҳаларидан бўшаб қолган ишчи кучини қайта ихтисослаштиришга диққат-эътибор қаратилмоқда. Мутахассислар чақирилиб, касб-корлик сирлари ўргатилаётди. Бир кунлик иш билан таъминлаш марказлари фаолияти ҳам кучайтирилмоқда. Йил охиригача яна 1500 нафар кишининг доимий ишли бўлишига шароит яратиш режалаштирилган.

Шухрат КЕЛДИЕВ,
Андижон вилояти

Мулоҳаза

лаётганларнинг қилмишига яраша муносиб баҳосини бериб, мушугини «пишт» дейдиган киши йўқ. Натижада бу ҳолат тобора кенг тус олиб бормоқда.

Масалан, метрода ҳам тиланчиликни ўзига касб қилиб олган баъзи кишиларни кузатиш мумкин. Ҳолбуки, ана шу жойда ўнлаб нозирлар тартиб-интизомни сақлашга масъул. Ўйлаб қоласан киши: чорраҳадаги ортиқча тўртинчи чироқни ўчириш шунчалар қийинми?

Шохруҳ ҚОДИРОВ,
Тошкент шаҳри

Муаммо

ни билан иш ўз-ўзидан ўнгланиб, қутилган натижа бўлавермаслиги тайин.

Натижада туман ҳокимлиги ёки бошқа мутасаддилар зиммасидаги вазифа қолиб, фермерлар билан ишлашга мажбур. Сарҳисобда ҳам улар балогардон.

ТЎН БИЧГАН КИЙИШНИ ҲАМ БИЛИШИ КЕРАК

етиштирса, уруғлик ўғит ва сарф-харajat пулларини шартномага кўра «Пахтасаноат»дан, ғалла бўйича бўлса, «Дон-маҳсулотлари»дан ёки минерал хомашёларни мутасадди корхоналардан олади.

Ўз-ўзидан буюртмачиларга айланаётган ана шу корхоналар етарлича маб-

лағни ажратиб, ҳатто олдиндан бўнак пуллари билан таъминлагач, ўзаро ҳамкорликни охиригача, яъни мавсумлар якунлангангача йўлга қўйиши лозим. Лекин, афсуски, шартнома тузилиб, фермер ўзига керакли нарса олигандан сўнг, ора деярли узилиб қолади. Масалан, ҳосилдорликни оширишдаги агро-техник тадбирлар бўйича тавсиялар, мутахассис маслаҳатлари каби юмушлар буюртмачининг «ёдидан» кўтарилмоқда. Ваҳоланки, маблағ, уруғлик ажратилга-

ўйлаб кўринг, шартномага рисоладагидек амал қилинса, шундай ҳол юз барармиди? Бундан кимга фойда-ю, кимга зиён. Ушбу масалага мутасадди ташкилотлар яқиндан ёндошишса, фермерлар учун янада яхши бўларди.

Абдунаби БОБОЁРОВ,
Қашқадарё вилояти

Саҳифани Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ тайёрлади

Бундан бир неча йил аввал бир гуруҳ вакиллар билан Туркияга, касаба уюшмалари халқаро ўқув курсига бордик. Март ойининг бошлари эди. Кетиш олдида ҳар эҳтимолга қарши об-ҳавони суриштирдик. Истанбулда ҳам Тошкентдагидек ҳаво мўтадил эканлигини айтишди. Самолётимиз Истанбулга яқинлашганида ҳарорат нол даража атрофида, қор ёғаяпти, деган эълон берилди. Ерга кўнғач, кўрдикки, қор бўралаб ураяпти. Айтишларича, 20-30 йиллардан бери бу диёрда бунақа қалин қор ёғмаган экан.

Аэропортда бизни Истанбул касаба уюшма кўмитаси вакили кутиб олди. У худди яқин қариндошлардек бизни илиқ қаршилади, қор изгирини ҳам билинмай кетди. Ҳар икки гапининг бирида «ота юрт», «ота юрт» деяпти. Бизга белгиланган автобус ҳам тайёр экан. Гўзал Истанбул кўчаларидан ўтиб, бош автобекатга етиб келдик. Пешонасига «Анкара» деб ёзилган узун автобусга чиқиб ўтирдик. Анкарага тоғ довои орқали ўтилар экан. Тоғ йўли қалин қор билан қопланган. Тахминан 5 соатлик йўлни 21 соатда босиб ўтдик. Анкарага етиб келгач, баланд қаватли уйлاردан бирига жойлашдик. Ётоқхона ҳам, ўқув жойи ҳам шу ерда экан. Бизга қилинган тақаллуфдан азиз меҳмонга айланганимизни даров сездик. Эртаси куни биринчи қилган ишимиз баланд минорадан шаҳарни томоша қилиш бўлди. Бинога кирдик. Чап томонда катта лифт бўлиб, одамлар билан тирбанд экан, «Оббо, тоза кутар эканмиз-да» деган фикр хаёлимиздан ўтди. Бизнинг йўл бошловчимиз, асли андижонлик, ўша пайтда Туркия Давлат университетининг битирувчиси, Туркия Металл ишчилари касаба уюшма кўмитасининг таржимони Тўражон Рауфов лифт назоратчисининг олдига бориб, гуруҳдошлар ўзбекистонлик меҳмонлар эканлини айтиши билан унинг кўзлари чакнаб кетди. «Азиз меҳмонлар, марҳамат этингиз» дея бизни лифтга чиқариб юборди. Атрофда турган кишилар ҳам бизни ҳурмат билан кузатиб қолишди.

Мазкур ўқув курсига келганларни Металл ишчилари касаба уюшмаси Марказий кўмитасининг бош раиси Мустафо Ўзбек қабул қилиши белгиланган эди. Лекин биз борганимизда Мустафо Ўзбек Истанбулга йиғилишга кетган экан. Биз билан Марказий кўмита котиби (ўринбосар) Қорақўз Ўзбек учрашув ўтказадиган бўлди. Тармоқ касаба уюшма кўмитаси ўн бир қаватли бинода жойлашган экан. Мажлис залига тақлиф қилишди. Доира шаклида ясалган стол атрофига жойлашдик. Танишув тугагач котиб: «Менинг ҳамшаҳарларимдан ҳеч ким йўқ экан-да, афсус» деди.

Биз хайрон. Бу одам туркиялик бўлса, бизнинг орамизда қандай ҳамшаҳри бўлиши мумкин. У фикримизни уқди, шекилли, гапини давом эттирди: «Мен асли бухороликман, отабуваларим XI-XII асрларда шу ерларга келиб қолишган. Уларнинг бир ва-

сияти авлоддан-авлодга ўтиб келган. Бухорога бориб ота-боболар қабрларини зиёрат қилиш.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, мен ана шу васиятни адо этишга мурассар бўлдим. Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистонга бордим, отабоболарим юртини кўрдим, Бухорони, васиятдаги қабристонни зиёрат қилиб, айтилган амалларни бажардим».

Туркия сафаримиз таассуротларга

ИЛДИЗЛАРИМИЗ ОМОН БЎЛСИН

бой бўлди. Айниқса, мен учун. Курс бошлиғига мақола ёзиш истагида эканлигимни билдирганимда, у мўъжазгина кутубхонадан исталган вақтда фойдаланишим мумкинлигини айтди.

Бир куни ёзиб-чиқиб ўтирсам, бир турк биродаримиз кириб келди. У киши шу ташкилот ходимларидан бўлиб, бинода навбатчилик қилаётган экан. Ҳаят самимий илтифот билан ҳол-аҳвол сўрашди. Ўзбекистон ҳақида кўп қизикди.

Мовароуннаҳр – ота юртимиз билан жуда гурурланамиз, – деди у, – у ердан жуда кўп буюк инсонлар етишиб чиққан. Покистонлик бир ҳамкасбим билан учрашганимда у менга бир ривоятни айтиб берган эди. Жуда қизикарли экан. Ўша ривоят эсимга тушса, қалбим жунбушга келади. Сиз ҳам уни эшитсангиз, яхши бўларди. У юзимдаги «маъқул» деган ифодани кўриб, ҳикоясини бошлади:

Тожмаҳални биласиз-а? Тожмаҳалга кўп сайёҳлар тунда борадилар. Бу гўзал қаср ой нурида товланиб, ажиб гўзаллик касб этади. Бир сайёҳ уни тунда бориб томоша қилибди. Чарчаб Тожмаҳал олдидаги фаввора атрофига ўрнатилган ўриндикқа ўтириб, кўзи илинибди. Бир маҳал қандайдир товудан уйғониб кўзини очса, ҳаммаёқ тинч, фақат бир шарпага кўзи тушибди. Шарпа унга яқинлашибди. Соқоли кўксига тушган кекса киши экан.

Тожмаҳални кўргани келганми-сан, у чиройли эканми?!

Журналист ён дафтаридан

– Ҳайратланарли, етти иқлимда бундай гўзаллик учрайди ё йўқ!

– Унинг гўзаллиги сабаби, Тожмаҳал тарихини биласанми? – дебди чол.

– Йўқ, – дебди сайёҳ.

– Бўлмаса эшит. Кўп асрлар муқаддам Мовароуннаҳр деган юртда бир меъмор оиласи яшар экан. Бу оиланинг бутун авлод-аждоди меъморчилик билан шуғулланган бўлиб, у ердаги кўп гўзал бинолар, қасрлар ушбу сулола вакиллари томонидан бунёд этилган экан. Бир куни шу оилада фарзанд дунёга келибди. Унинг исмини «Исо» деб қўйибдилар.

Исо болалигидаёқ меъморчиликни катта қизиқиш билан ўргана бошлади. У 16 ёшга кирганида бир кун тушига ажойиб қаср кирибди. Ўша даврнинг энг бой-боёнлари ҳузурига бо-

рак.

– Амрингиз вожиб, подшоҳи олам, бундай қасрни қайта қурмайман, – сўз берибди Исо.

– Йўқ, мен бунга ишона олмайман, қасрни қуриб бўлгач, икки кўлингни кесаман. Эвазига умрининг охиригача шоҳона ҳаёт кечирасан, – дейди Шоҳжаҳон.

Уста ҳис-ҳаяжонга тўлади. Қўлсиз қандоқ ҳаёт кечиради. «Йўқ» деса, юрагида тугиб юрган орзулари армонга айланади.

– Розиман, олампахо, – дейди уста.

Қаср қурилиши бошлаб юборилди. Ҳатто кўшни юртлардан ҳам усталар чақирлади. Ниҳоят қурилиш поёнига етади.

Шоҳжаҳон уста Исони чақириб дейди:

– Уста, мен шартлашганимиздек, барча истагини баҳо келтирдим. Ҳеч қандай иш чала қолмадимми?!

– Уэр, олампахо, бир жойи қолиб кетибди, рухсат берсангиз, тузатиб тушсам, – дейди уста.

Шоҳ розилик бергач, уста Исо қасрнинг энг юқорисидаги гумбазга кўтарилди ва тешаси билан нималарнидир уриб қўяди. Кейин паства тушиб, Шоҳжаҳонга таъзим айлаб қўлларини тутди. Шай турган жаллод унинг қўлларини чопиб ташлайди. Орадан бир неча кун ўтиб, жала қуяди. Шунда қасрнинг тоmidан чакка ўтади. Шоҳжаҳон бундан хабар топиб, уста Исони қистовга олади.

– Йўқ, у чакка эмас, – дейди уста Исо, – у менинг кўз ёшларим. Ахир менинг энди кўлларим йўқ. Энди бундай қасрларни қура олмайман. Агар эсингизда бўлса бино битган кун сиз мендан чала жойи қолмадимми, деб сўраганимиз. Ўшанда бир жойи қолди, деб гумбаз устида теша билан бир нималар қилганим. Ўша ишим – шу, Худодан тилак тилаб, қўлсиз устага раҳм қил, деб кўз ёшларимга жой очганим.

Сўхбатдошим ҳикоясини тугатиб менга қаради.

– Жуда ажойиб ривоятни ҳикоя қилиб бердингиз, раҳмат сизга, – дедим ичдан тўлқинланиб.

– Йўқ, тинглаганингиз учун сизга раҳмат, – деди у, – бу ривоятни ҳикоя қилиб берсам, ўзим ҳам ичимдан яйраб кетаман. Ахир у ота-юрт, унинг одамлари ҳақида.

Бу воқеанинг бўлганига бир неча йил бўлди. Лекин уни ҳеч унута олмайман. Турк қардошларимизнинг «ота юрт», «ота юрт» дея иззат-ҳурмат қилишлари кўз олдимдан кетмайди. Зеро, бу икки халқ ўртасидаги азалий дўстлик, биродарлик ришталарининг муштрақилатов.

**Будир ПЎЛАТОВ,
фахрий журналист**

Баркамол инсон учун қанақа фазилатлар керак? Бу саволга буюк мутафаккир Абу Наср Форобий ўн икки фазилат дея жавоб берган эди. Булар ҳалоллик, меҳрибонлик, катталарга ҳурмат, билимдонлик, гурур, мухтожларга хайрихоҳлик ва ватанпарварлик қабилардир.

Ҳикоямиз қахрамони Хосиятбону Назарова ана шундай фазилатларни ўзида мужассам этган замондошларимиздан. «Ипак йўли» банки Самарқанд бўлимида бош ҳуқуқшунос сифатида анча йиллардан бери фаолият кўрсатаётган бу зукко аёл ходимларнинг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашда, қабул қилинаётган қонунларнинг моҳиятини англашларида ўзининг беминнат ёрдамчини аямай келмоқда.

Онаси Хуррамоё опа оиласида яна бир фарзанд тугилди. «Хосиятли бўлсин» деб кизалоғини Хосиятбону атади. Фарзанди у орзу қилгандек, хосиятли бўлиб улғайди. Мактабда, олийгоҳда аълога ўқиди. Етук ҳуқуқшунос бўлиб етишди.

Онасининг яна бир орзуси, бу қизининг бахтини кўриш эди. Яхши ниятлар билан дилбандини турмушга узатди. Куёв ҳам Хосиятбону ўқиб юрган фа-

культетнинг талабаси эди. Диплом олганларидан кейин, куёв республика ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларидан бирида терговчи, Хосиятбону эса чарм ишлаб чи-

ЭЗГУЛИК БИЛАН ЯШАГИМ КЕЛАДИ...

қариш корхонасида ҳуқуқшунос бўлиб иш бошладилар.

Ёш мутахассис Хосиятбону зиммасига катта масъулият юклатилган эди. У ўзига билдирилган ишончини оқлаш учун астойдил меҳнат қилди.

У қаерда ишлагани, ташаббускорлиги, яхшиликка интилиши билан бошқалардан ажралиб туради.

«Иш фаолиятингизда кимнинг ёрдамига таянасиз?», деган саволимизга опа шундай жавоб берди: «Алихон Тўра Соғуний ҳазратлари ёзади: Дунёда яшайди-

ган ҳар бир кишининг қизғаниб сақлайдиган бешта нарсаси бор: жони, дини, моли, оиласи ва Она Ватани». Мен унга устоз сўзини ҳам қўшган бўлардим. Чунки нимага эришган бўлсам, устозларим туфайлидир. Шунинг учун бўлса керак, «Устоз – отангдек улуг» дейдилар. Ҳар бир мутахассис ўз соҳасини чин дилдан севсагина, унга қийинчиликлар билинмайди. Мен танлаган касб

инсондан катта масъулиятни, поклик, ҳалоллик, мукамалликни талаб этади.

Улуг бобокалонимиз Навоий «Бутун оламни яратишдан мақсад – ИНСОН бўлиб, у ҳамма мавжудотлар ичида тенги йўқдир. Инсон кўнглини турли билимлар хазина қилди ва бу тилсим ичига Тангри ўзини яширди. У ўз сирининг хазинасини очмоқчи бўлганида, уни на Само, на Ер қабул қилди. Инсондан ўзга нарсалар жаҳолатга ботиб, унинг хитобини англамади ва бу сирни қабул этмади», деб бу оламда

Атрофимиздаги одамлар

яхши инсонлар кўплиги, уларнинг одоби, ахлоқи, чиройли хулқи барчага хуш ёқинлини ёзиб қолдирган.

Хосиятбону билан суҳбат қилар экансиз, умумбашарий шоирнинг ана шу фикрларини тилга олади. Унинг зукколиги,

самарқандликларга хос ширинсўзлиги, ҳазилкашлиги, қолаверса, меҳнатсеварлигига ҳавасингиз келади. «Мен ҳаётда яхши инсонларнинг фазилатларини қадрлайман. Чиройли хулқ, муомала маданияти ҳаётда жуда муҳим ўринни эгаллайди. Ёлғонни ёмон кўраман. Бир марта ёлғон гапирдингми, унинг ортидан яна бир ёлғон туғилди. Шунинг учун бўлса керак, ростгўй одамлар билан учрашсам, қувониб кетаман. Яна бир ҳақиқатни таъкидлардимки, ҳеч қачон ҳамма нарсани билдим,

деманг. Ҳамма нарсани билиш учун инсоннинг умри етмайди».

Хосиятбонунинг юқоридаги фикрлари исботини мен у яшайдиган маҳалла фаоллари билан суҳбатда билдим. У ҳаммаша эл дарди билан яшайди, маслаҳат сўраб келган ҳар бир киши дардига қулоқ тутиб, уни қийнаётган муаммони яхшилик билан ҳал этилишига кўмак беради. Тилида, дилида ҳаммаша инсонларга яхшилик соғинади. Эл-юрт ташвиши, жамоадагиларининг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси, адолат посбони сифатида меҳнат қилаётган Хосиятбонудек маърифатли, зиёли, доно ҳуқуқшуносларимиз бор экан, юртимизда қонунлар барҳаётлиги таъминланиб, ундан эл баҳра олиб яшайверади.

**Баҳром ИСТАМКУЛОВ,
«Ипак йўли» АИТ банки
Самарқанд бўлими
касаба уюшма
кўмитасининг раиси**

Хафталик TV дастури

17 июл — 23 июл

Душанба 17

O'ZBEKISTON

Хурматли телетомошабинлар!
Профилактика муносабати билан душанба, 17 июль кунин "O'zbekiston" телерадиоканали ўз кўрсатувларини соат 14.55дан бошлайди.

14.55 Кўрсатувлар дастури.
15.00-15.45 "Тахлилнома".
15.45 "Ватанларвар".
"Болалар сайёраси".
16.45 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 ТВ анонс.
17.15 Олтин мерос.
17.20 "Равнак" студияси намойиш этади:
17.35 "КулдиРИНГ".
18.15 "Умр дафтари", 1-қисм.
18.35 "Оҳанглар оғушида".
18.40 "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон", Телесериал.
19.15 Биржа ва банк хабарлари.
19.20 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан: "Ватан фидойилари".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!".
20.10 "Ишқ эртаги", Телесериал премьераси.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 Эркин мавзу...
22.00 "Чин муҳаббат", Телесериал премьераси.
23.10 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз беринг).
23.20 Тунги сериал: "Шахарлик фаришта".
23.45-23.50 Тунги навалар.

YOSHLAR

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Анонслар.
17.05 Шум Болалар.
17.15 UzEX хабарлари (инглиз тилида)
17.25 Кўкил худуд.
17.40 UzEX хабарлари (рус тилида)
17.50 Мусликйи ласзалар.
17.55 Анонслар.
18.00 "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". Сериал.
18.40 UzEX хабарлари.

TOSHKENT

18.50 Ватан ҳақида ўйлар.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Анонслар.
19.40 Ишга марҳамат!
19.45 Ракурс.
20.00 Спорт-лото.
20.10 CINEMANIYA.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Фурур", Сериал. 21-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS - танлов.
22.40 Кўнгул таронаси.
22.50 Анонслар.
22.55 Эълонлар.
23.00 "Елгон асираси". Сериал.
23.45-23.50 **ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНДИ.**

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экранни".
18.30 "Пойтахт", /рус/.
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Хужжатли телесериал.
19.15 **2006 йил - "Хомийлар ва шифкорлар йили: "Саломат бўлинг", /рус/.
19.30 "Табриклаймиз, кутлаймиз".
20.00 "Пойтахт".
20.20, 21.55 "Тв анонс".
20.25 "Яхши ёмон йигитлар". Телесериал. /рус/
20.50, 21.25 "Телекурьер маркет".
21.00 "Оқшом навалари".
21.20 "Тв юрист".
21.35 "Журналист тахлили".
22.00 "Табриклаймиз, кутлаймиз". Бадий фильм.
23.10-23.15 "Хайрли тун, шаҳрим".**

SPORT-TV

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
8.30 Мультифильм.
8.40 "Болалар спорти".
9.00 "Талкин". Информацион-таҳлилий курсатув.
9.30 "Мониторинг".

Сешанба 18

O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
8.45 - ўймакда соз".
8.50 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Сехрли тун". Болалар учун фильм.
10.30 ТВ анонс.
10.35 "Остонаси тиллодан".
10.55 Биржа ва банк хабарлари.
11.00 "Ахборот".
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Омон бўлинг!".
11.20 "Ишқ эртаги", Телесериал.
11.55 "Дил таронаси".
12.00 "Ахборот" (инглиз тилида)
12.10 ТВ анонс.
12.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Янгиқўргон", "O'zbektelefilm".
12.30 "Машхуранинг қизлари".
12.45 "Чин муҳаббат", Телесериал.
13.50 Олтин мерос.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Ассалом, Ўзбекистон!" Кундузги дастур.
15.20 "Интеллектуал ринг".
16.05 ТВ анонс.
16.10 "Шахсий фикр".
"Болалар сайёраси".
16.45 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".
17.00 "Ахборот".
17.10 Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллиги олдидан: "Ватан фидойилари".
17.15 Эски альбом.
17.20 "Ақд ва идрок".
17.40 ТВ анонс.
17.45 "Жараён".
18.05 "Оҳанглар оғушида".
18.10 "Умр дафтари", 2-қисм.
18.30 ТВ анонс.
18.35 "Шерлок Холмс ва доктор Ватсон", Телесериал.
19.10 "Банк ва аждок".
19.20 "Сизнинг адиокатингиз".
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълонлар.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "Омон бўлинг!".
20.10 "Ишқ эртаги", Телесериал.
21.00 "Ахборот".
21.35 ТВ анонс.
21.40 "ЎздЭУавто - 10 ёшда".
22.10 "Чин муҳаббат", Телесериал.
23.20 "Қўшигимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз беринг).
23.30 Тунги сериал: "Шахарлик фаришта".
23.55-24.00 Тунги навалар.

YOSHLAR

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика 16.55 гача.
16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 Анонслар.
17.05 Эврика.
17.15 "Қичқинтой" театри: "Сув ҳам тугайдимми".
17.40 Болалар табассуми.
17.45 SMS-танлов.
17.50 Ватан ҳақида ўйлар.
17.55 Анонслар.
18.00 "Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси". Сериал.
18.40 Ёшлик навалари.
18.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Ишга марҳамат!
19.40 Автопатруль.
20.00 "JOKER" телелотореяси.
20.10 Анонслар.
20.15 Давр мавзуси.
20.30 Ёшлар куйлаганда.
20.50 Эълонлар.
21.00 "Фурур", Сериал. 22-қисм.
21.55 Иқлим.
22.00 Давр.
22.35 SMS-танлов.
22.40 Кўнгул таронаси.
22.50 Анонслар.
22.55 Эълонлар.
23.00 "Елгон асираси". Сериал.
23.45 - 23.50 **ЭРТА БУГУНДАН БОШЛАНДИ.**

TOSHKENT

18.05 Кўрсатувлар тартиби.
18.15 "Болажонлар экранни".
18.30 "Пойтахт", /рус/.
18.50 "23, 5 даражали бурчак остида". Хужжатли телесериал.
19.15 "Истеъмолчи минбари".
19.30 "Табриклаймиз, кутлаймиз".
20.00 "Пойтахт".
20.20, 21.50 "Тв анонс".
20.25 "Яхши-ёмон йигитлар". Телесериал. /рус/.
20.50, 21.25 "Телекурьер маркет".
21.00 "Оқшом навалари".
21.20 "Тв юрист".
21.35 "Инсон ва қонун".
21.55 "Улкан балиқ ови", Бадий фильм.
23.05-23.10 "Хайрли тун, шаҳрим".

SPORT-TV

7.00 "Бодрое утро".
8.00 "Хабарлар" (Рус тилида)
8.20 Мультисериал.
8.45 "Болалар спорти".
9.00 "Хабарлар" (Ўзб. тилида)
9.20 "Спорт клуб".
9.30 "Детективи".

10.00 Ўзбекистон чемпионати Қўл жанги.
10.30-11.15 "Волшебник изумрудного города". Мультифильм.
18.00 "Болалар спорти".
18.15 Мультисериал.
18.30 "Хабарлар" (Рус тилида)
18.50 "Толая наука". Док. фильм.
19.45 "Спортивиз маликалари".
20.00 "Вести".
20.20 "Тет-а-тет".
20.35 Жаҳон спорти юлдузлари.
21.30 "Хабарлар" (Ўзб тилида)
21.50 "Заколдованный участок". Сериал.
22.40 Велоспорт. Тур де Франс.
23.10 "Проф-РИНГ".
24.00 "Тунингиз осуда бўлинди!"

ПЕРВЫЙ

4.55 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро»
8.35 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
9.30 «Доктор Курпатов»
10.05 «Малыхов +»
11.00 Новости
11.15 «Проклятые клэды». Документальный фильм
12.10 Андрей Федорцов, Игорь Лифанов в остросюжетном фильме «Егер»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 «Юлипа. Без комплексов»
15.20 «Детективи»
15.55 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.20 «Криминальная Россия». «Люди исчезают в полдень». 1-я серия
17.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 «Офицеры». Многосерийный фильм
21.25 «Дом Романовых. День последний». Программа Эдварда Радзинского
22.30 Триллер «Обжора»
1.00 Фильм «Нарушитель спокойствия»
2.00 Время
2.30 Фильм «Нарушитель спокойствия». Продолжение
3.10 «Работю по контракту». Документальный фильм
4.00 Новости
4.05 «Работю по контракту». Документальный фильм. Продолжение
4.10 «Проклятые клэды». Документальный фильм

ПЕРВЫЙ

4.55 Телеканал «Доброе утро»
8.00 Новости
8.05 Телеканал «Доброе утро»
8.35 «Агент национальной безопасности». Многосерийный фильм
9.30 «Доктор Курпатов»
10.00 «Малыхов +»
11.00 Новости
11.15 Сериал «Талисман»
12.20 Криминальная Россия. «Люди исчезают в полдень». 1-я серия
12.55 Борис Щербаков, Леонид Куралев в сериале «Сыщики»
14.00 Новости (с субтитрами)
14.15 «Офицеры». Многосерийный фильм
15.20 «Детективи»
15.55 «Пусть говорят» с Андреем Малаховым
17.00 Вечерние новости (с субтитрами)
17.15 Внз закона. «Хирург»
17.50 «Любовь как любовь». Многосерийный фильм
18.55 «Федеральный судья»
20.00 Время
20.30 «Офицеры». Многосерийный фильм
21.25 Премьера. «Первый раз замужем»
23.15 Ночные новости
23.30 Комедийный фильм «Засада»
1.30 «Коммандос». Документальный сериал
2.00 Время
2.30 «Коммандос». Документальный сериал. Продолжение
3.05 «Гражданские браки звезд»
4.00 Новости
4.05 «Бандиты эпохи социализма». «Виттебский душитель». Документальный фильм

РОССИЯ

4:00 «Доброе утро, Россия!»
7:45 Светлана Антонова, Денис Матросов, Оскар Кучера и Татьяна Васильева в комедийном сериале «Любовь моя».
8:50 ПРЕМЬЕРА. Ольга Понизова и Александр Пороховщиков в приключенческом телесериале «Авантюристка».
9:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Игорь Черневич, Константин Воробьев и Зоя Бурж в детективном телесериале «Мужчины не плачут».
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 Амалия Гольдаская, Наташа Королева, Виктор Раков и Александр Лазарев-мл. в комедии «Рецепт колдуньи». 200г.
15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долгинский и Анатолий Лобочкий в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!»
20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Аристарх Ливанов, Владимир Конкин и Александр Дедюшко в телесериале «Оперативный псевдоним».
22:10 «Челюки. Купить по-русски».
23:10 «ВЕСТИ+»
23:30 ПРЕМЬЕРА. Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химичев и Виктория Малекотрович в детективном телесериале «Угон».
0:25 Остросюжетный фильм «Двойной просчет» (США), 1996г.
2:05 «Дорожный патруль».
2:20 СЕРИАЛ ДЛЯ ПОЛУНОЧНИКОВ. Виктор Проскурин, Сергей Юшкевич, Агнеса Зельтман, Олеся Поташинская и Александр Ленков в военном детективе «Человек войны».
3:30 Канал «Евроньюс» на русском языке.

РОССИЯ

4:00 «Доброе утро, Россия!»
7:45 Светлана Антонова, Денис Матросов, Оскар Кучера и Татьяна Васильева в комедийном сериале «Любовь моя».
8:50 ПРЕМЬЕРА. Ольга Понизова и Александр Пороховщиков в приключенческом телесериале «Авантюристка».
9:50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
10:00 ВЕСТИ.
10:30 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
10:50 Игорь Черневич, Константин Воробьев и Зоя Бурж в детективном телесериале «Мужчины не плачут».
12:45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
13:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
13:40 Амалия Гольдаская, Наташа Королева, Виктор Раков и Александр Лазарев-мл. в комедии «Рецепт колдуньи». 200г.
15:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
16:00 ВЕСТИ.
16:20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
16:40 «Обреченная стать звездой». Телесериал.
17:40 Михаил Мамаев, Виктор Вержбицкий, Инга Стрелкова-Оболдина, Эммануил Виторган, Людмила Нильская, Алексей Булдаков, Александр Берда, Владимир Долгинский и Анатолий Лобочкий в телесериале «Волчица».
18:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
19:00 ВЕСТИ.
19:45 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
20:05 «Спокойной ночи, малыши!»
20:15 РУССКАЯ СЕРИЯ. Аристарх Ливанов, Владимир Конкин и Александр Дедюшко в телесериале «Оперативный псевдоним».
22:10 «Валерий Ободзинский. Неизвестная исповедь».
23:10 «ВЕСТИ+»
23:30 ПРЕМЬЕРА. Александр Тютин, Александр Цуркан, Михаил Химичев и Виктория Малекотрович в детективном телесериале «Угон».
0:30 «Дорожный патруль»
0:45 НОЧНОЙ СЕАНС. Остросюжетный фильм «Падшие скалы» (Германия), 2000г.
2:20 Канал «Евроньюс» на русском языке.
3:40 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Русские мультфильмы.
8.20 Мультисериал «Гарфилд». 44-я серия.
8.30 Мультисериал «Сабрина - маленькая ведьма». 26-я серия.
9.00 Мультисериал «Маска». 35-я серия.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм «ОЗЗИ». Новая Зеландия, 2001.
12.00 Художественный фильм «ЛИНИЯ СМЕРТИ». Россия, 1991.
14.00 «Осторожно, модерн!» 49-я серия.
14.30 Русские мультфильмы.
15.00 Художественный фильм «ТАЙНА АЛЯСКИ». США, 1999.
17.30 Художественный фильм «ПРОСТО МЕСТЬ». США, 2001.
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3». 16-я серия.
20.00 Художественный фильм «ПРЕДЕЛ». США, 2001.
22.00 Художественный фильм «ПОСЛЕДНИЙ КОНТРАКТ». США, 2003.

ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 Русские мультфильмы.
8.20 Мультисериал «Гарфилд». 45-я серия.
8.30 Мультисериал «Сабрина - маленькая ведьма». 27-я серия.
9.00 Мультисериал «Маска». 36-я серия.
9.30 Русские мультфильмы.
10.00 Художественный фильм «ХВОСТАТЫЙ НАСЛЕДНИК». Канада, 1999.
11.45 Художественный фильм «МОЕ КОРОЛЕВСТВО». Италия - Великобритания, 2001.
14.00 «Осторожно, модерн!» 50-я серия.
14.30 Русские мультфильмы.
15.00 Художественный фильм «ЖЕЛЕЗНАЯ МАСКА». Франция, 1962.
17.30 Художественный фильм «ДЕСЯТЬ НЕГРИТЯТ». 1-я серия. Россия, 1987.
19.00 Сериал «ГОРЕЦ-3». 17-я серия.
20.00 Художественный фильм «СОПЕРНИЦА». США, 2000.
22.00 Художественный фильм «СЕНСАЦИЯ». США, 2002.
0:00 Художественный фильм «БЕССОННИЦА». США, 2002.

0:00 Художественный фильм «ОЧЕНЬ ДИКИЕ ШТУЧКИ». США, 1998.
2:00 Художественный фильм «МОЕ КОРОЛЕВСТВО». Италия - Великобритания, 2001.
4:00 Сериал «ГОРЕЦ-3». 16-я серия.
4.45 Художественный фильм «ГОРЬКАЯ ЖАТВА». США, 1993.

СТС

7.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Многосерийный художественный фильм. 2 серии.
7.40 «У страха глаза велики». Мультипликационный фильм.
7.55 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
8.00 «33 квадратных метра».
8.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
10.00 Истории в деталях.
10.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
10.30 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
11.00 Кино на СТС. «ЛЮБОВНИЦА». Часть 1-я.
13.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ». Многосерийный художественный фильм.
14.00 «НОВАЯ СЕМЕЙКА АДДАМС». Многосерийный художественный фильм.
14.30 «Экзалибур». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.00 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.05 «Принцесса Сисси». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.30 «Самурай Икс». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.00 «Лига справедливости». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.30 «Люди Икс. Эволюция». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.00 Комедия на СТС. «ЛИЗЗИ МАГАУЙЕР».
17.30 Комедия на СТС. «ШКОЛА ЧЕРНАЯ ДЫРА».
18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный художественный фильм.
19.30 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
20.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
20.30 Истории в деталях.
20.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
22.00 Кино на СТС. «ОТЧАЯННЫЕ ДОМОХОЗЯЙКИ». 9-я серия.
0:00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
0:30 Истории в деталях.
0:58 Настроение с Евгением Гришковцом.
1:00 «ЧАСТИ ТЕЛА». Многосерийный художественный фильм.
2:00 «VERITAS. В ПОИСКАХ ИСТИНЫ». Многосерийный художественный фильм.
2:45 Кино на СТС. «МАЯТНИК».
4.15 Комедия на СТС. «ТЕСНАЯ КОМПАНИЯ».
4.35 «ДЕТЕКТИВНОЕ АГЕНТСТВО «ЛУННЫЙ СВЕТ». Многосерийный художественный фильм. 2 серия. (Окончание показа).
6:10 Музыка на СТС.

НТВ

5:00 Информационный канал «СЕГОДНЯ УТРОМ»

СТС

7.00 «КАК СКАЗАЛ ДЖИМ». Многосерийный художественный фильм. 2 серии.
7.40 «Машенин концерт». Мультипликационный фильм.
7.55 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
8.00 «33 квадратных метра».
8.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
9.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
10.00 Истории в деталях.
10.28 Настроение с Евгением Гришковцом.
10.30 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
11.00 Кино на СТС. «ЛЮБОВНИЦА». Часть 2-я.
12.45 «Ну, погоди!» Мультипликационный фильм.
13.00 «ТАЛИСМАН ЛЮБВИ». Многосерийный художественный фильм.
14.00 «НОВАЯ СЕМЕЙКА АДДАМС». Многосерийный художественный фильм.
14.30 «Экзалибур». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.00 «Смешарики». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.05 «Принцесса Сисси». Многосерийный мультипликационный фильм.
15.30 «Самурай Икс». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.00 «Лига справедливости». Многосерийный мультипликационный фильм.
16.30 «Люди Икс. Эволюция». Многосерийный мультипликационный фильм.
17.00 Комедия на СТС. «ЛИЗЗИ МАГАУЙЕР».
17.30 Комедия на СТС. «ШКОЛА ЧЕРНАЯ ДЫРА».
18.00 Комедия на СТС. «САБРИНА - МАЛЕНЬКАЯ ВЕДЬМА».
18.30 «ЗАЧАРОВАННЫЕ». Многосерийный художественный фильм.
19.30 Комедия на СТС. «КТО В ДОМЕ ХОЗЯИН?»
20.00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
20.30 Истории в деталях.
20.58 Настроение с Евгением Гришковцом.
21.00 «НЕ РОДИСЬ КРАСИВОЙ». Многосерийный художественный фильм.
22.00 Кино на СТС. «ОТЧАЯННЫЕ ДОМОХОЗЯЙКИ». 10-я серия.
0:00 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
0:30 Истории в деталях.
0:58 Настроение с Евгением Гришковцом.
1:00 «ЧАСТИ ТЕЛА». Многосерийный художественный фильм.
2:00 «VERITAS. В ПОИСКАХ ИСТИНЫ». Многосерийный художественный фильм.
- 4:45 Михаил Пуговкин, Татьяна Конохова, Изольда Извицкая, Лев Дуров и Евгений Матвеев в фильме «Доброе утро». 1955г.
- 6:15 «Здоровье».
- 6:35 «Сельский час».
- 7:00 ВЕСТИ.
- 7:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 7:20 «Волшебное кольцо». «В стране невыученных уроков». Мультфильмы.
- 8:00 Нонна Мордюкова, Светлана Крючкова, Юрий Богатырев и Иван Бортник в фильме Никиты Михалкова «Родня». 1981г.
- 10:00 ВЕСТИ.
- 10:10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
- 10:20 «Аншлаг и Коппания».
- 11:15 ПРЕМЬЕРА. Екатерина Архарова, Алла Каравацкая и Сергей Юшкевич в сериале «Частный детектив».
- 12:10 «Евгений Леонов. «А слезы капали...».
- 13:00 ВЕСТИ.
- 13:20 «Фитиль N 96». Сатирический тележурнал.
- 14:05 Аглиц Матуленис и Лилита Озолина в детективе «Двойной капкан». 1985г.
- 16:45 ПРЕМЬЕРА. «Королева тигров». Маргарита Назарова».
- 17:40 Юбилейный концерт «Москонцерту - 75!».
- 19:00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ с Сергеем Брилевым».
- 20:00 СДЕЛАНО В РОССИИ. Ирина Розанова, Тигран Кеосаян, Андрей Финягин, Андрей Ташков и Владимир Шувалов в остросюжетном фильме «Любовница». 2005г.
- 22:35 Эдди Мерфи в комедийном боевике «Полицейский из Беверли-Хиллз» (США). 1984г.

- 7.30 Жизнь, полная радости.
- 8.00 Русские мультфильмы.

- 8.30 Русские мультфильмы.
- 8.45 Русские мультфильмы.
- 9.30 Русские мультфильмы.
- 9.45 Русские мультфильмы.
- 10.00 Художественный фильм «ПОГОНЯ В ПОДЗЕМ-КЕ». США, 2003.
- 12.00 Художественный фильм «ДЕЖА ВЮ». Россия - Польша, 1988.
- 14.00 «Осторожно, модерн!» 54-я серия.
- 14.30 Курьер.
- 15.00 Художественный фильм «ЛЕДЯНОЙ УДАР». США, 2002.
- 17.00 Художественный фильм «ОСТРОВ ОГНЯ». Гон-конг, 1990.
- 19.00 Серил «ГОРЕЦ-3». 22-я серия.
- 20.00 Художественный фильм «ПОДЗЕМЕЛЬЕ ВЕДЬМ». Россия, 1990.
- 21.45 Художественный фильм «ЛИФТ». США - Нидерланды, 2001.
- 0.00 Художественный фильм «БЕЗМОЛВНАЯ СХВАТКА». США, 1994.
- 2.00 Художественный фильм «КРИП». США - Великобритания, 2004.
- 4.00 Серил «ГОРЕЦ-3». 22-я серия.
- 4.45 Художественный фильм «ВНЕ ПОДОЗРЕНИЙ». США, 2000.

СТС

- 7.00 «АЛИСА В ЗАЕРКАЛЬЕ». Художественный фильм.
- 8.25 «Золотая антилопа». Мультпликационный фильм.
- 8.55 «Пинокио». Многосерийный мультпликационный фильм.
- 9.20 «Смешарики». Многосерийный мультпликационный фильм.
- 9.30 «Флиппер и Лопак». Многосерийный мультпликационный фильм.
- 10.00 Лучшие программы «Улицы Сезам».
- 10.30 «Гаджет и гаджетны». Многосерийный мультпликационный фильм.
- 11.00 Кино на СТС. «ДЕТИ НА ОСТРОВЕ СОКРОВИЩ. БИТВА».
- 13.00 «Жизнь прекрасна». Музыкальное ток-шоу. Ведущие - Лена Перова и Михаил Швыдкой.
- 15.00 «Снимите это немедленно!». Развлекательная программа с элементами реалити-шоу.
- 16.00 Фильмы производства ВВС. «Мифы и герои. Ясон и золотое руно».
- 17.00 Истории в деталях.
- 17.30 Комедия на СТС. «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
- 18.00 «ДАША ВАСИЛЬЕВА. ЛЮБИТЕЛЬНИЦА ЧАСТНОГО СЫСКА-3». Фильм 8-й. «НЕСЕКРЕТНЫЕ МАТЕРИАЛЫ». Двухсерийный художественный фильм.
- 22.00 Кино на СТС. «ЗАКОНЫ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ».
- 23.50 Кино на СТС. «В ПЛЕНУ У ПРИЗРАКОВ».
- 2.00 Кино на СТС. «ПОРТНОЙ ИЗ ПЛАНАМЫ».
- 3.50 Кино на СТС. «ПОРТРЕТ ВАМПИРА».
- 5.15 Фильмы производства ВВС. «Неандерталец».
- 6.05 Музыка на СТС.

НТВ

- 4:10 Остроожетный фильм «ЗАТВОРНИК».
- 5:40 Детское утро на НТВ. Мультфильм «ДВЕНАДЦАТЬ МЕСЯЦЕВ».
- 6:30 «СКАЗКИ БАЖЕНОВА».
- 7:00 «СЕГОДНЯ».
- 7:15 Серил «ПОЛИЦЕЙСКИЙ КЭТТС И ЕГО СОБАКА».

- 7:40 «ИХ ПРАВИ».
- 8:25 «ЕДИМ ДОМА».
- 9:00 «СЕГОДНЯ».
- 9:20 «ТОР GEAR». ПРОГРАММА ПРО АВТОМОБИЛИ.
- 9:55 «СЧАСТЛИВЫЙ РЕЙС» с Николаем Фоменко
- 11:00 «РАСТИТЕЛЬНАЯ ЖИЗНЬ». Программа Павла Лобкова. Андрей Мерзликин
- 12:00 «СЕГОДНЯ».
- 12:25 «СТИХИЯ». Программа Ивана Усачева
- 13:00 Серил «СТОЛЫПИН... НЕВЫУЧЕННЫЕ УРОКИ».
- 15:00 «СЕГОДНЯ».
- 15:25 «ОДИН ДЕНЬ. НОВАЯ ВЕРСИЯ». Программа Кириллы Набутова.
- 16:00 «СВОЯ ИГРА».
- 16:55 Серил «МАРШ ТРЕЦКОГО-2».
- 18:00 «СЕГОДНЯ».
- 18:40 «ЧИСТОСЕРДЕННОЕ ПРИЗНАНИЕ».
- 19:15 «ЧРЕЗВЫЧАЙНОЕ ПРОИСШЕСТВИЕ. ОБЗОР ЗА НЕДЕЛЮ».
- 19:55 СЕРИАЛ ПО ВЫХОДНЫМ. Серил «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ФОНАРЕЙ».
- 21:00 Сандра Баллок и Николь Кидман в фильме «ПРАКТИЧЕСКАЯ МАГИЯ» /США/
- 23:10 НОЧНОЙ СЕАНС с Ренатой Литвиновой. Джеффри Раш и Джон Гилгуд в фильме «БЛЕСК» /Австралия-Великобритания/
- 1:45 Серил «МЕДИУМ» /США/
- 4:35 ПРОФЕССИЯ - РЕПОРТЕР

DTV

- 8.00 Серил «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 51-я серия.
- 8.30 Серил «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 52-я серия.
- 8.55 Для милых дам.
- 9.25 Мультфильмы.
- 9.45 Мультфильмы.
- 10.20 Мультфильмы.
- 10.50 Мультфильмы.
- 11.25 Русский фильм. «ГАРАЖ».
- 13.30 Фантастический серил «ВСПОМНИТЬ ВСЕ».
- 14.30 Кукольное сатирическое шоу «Звездная семья».
- 15.30 Игровое шоу «Время - деньги».
- 15.55 Русский серил «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ». 7-я серия.
- 17.00 Русский серил «ПАРНИ ИЗ СТАЛИ». 8-я серия.
- 18.05 Самое смешное видео.
- 18.35 Альманах невероятных событий «Этот безумный мир».
- 19.00 «Шоу российских рекордов» с Владимиром Турчинским.
- 20.00 Русские хиты. «СЕКРЕТНЫЙ ФАРВАТЕР». 3-я серия.
- 21.35 Русские хиты. «СЕКРЕТНЫЙ ФАРВАТЕР». 4-я серия.
- 23.10 Детективный серил «С.С.И МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАИАМИ». 129-я серия.
- 0.05 Детективный серил «С.С.И МЕСТО ПРЕСТУПЛЕНИЯ МАИАМИ». 130-я серия.
- 1.00 «Шоу российских рекордов» с Владимиром Турчинским.
- 2.00 Шокирующая документалистика. «Когда праздник превращается в кошмар».
- 3.00 Хит-парад авантор «Осторожно, афера!».
- 3.25 Фантастический серил «ВСПОМНИТЬ ВСЕ».
- 4.05 Серил «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 51-я серия.
- 4.30 Серил «НАПРЯГИ ИЗВИЛИНЫ». 52-я серия.
- 4.55 Кукольное сатирическое шоу «Звездная семья».
- 5.40 Игровое шоу «Время - деньги».
- 6.00 Юмористическая программа «В засаде».
- 6.20 Музыка на ДТВ.

30-канал

Душанба 17

- 16.55 гача профилактика ишлари
- 16.55 Открытые программы
- 17.00 «Телеэкспромт»
- 17.30 «Мультфильмы»
- 18.00 «Черепашки ниндзя», мультфильм
- 18.20 «Мусикий табасум»
- 18.40 «Шахрисабз-ТВ» тақдим этади «Шифокор Сатторов»
- 19.00 «Ошиқона»
- 19.40 «Телехамкор»
- 20.00 «Мусикий табасум»
- 21.00 Серил «София, дай мне время»
- 21.45 «Телехамкор»
- 21.55 «Мусикий табасум»
- 22.25 «Самарқанд - СТБ» - тақдим этади «Тилан»
- 22.30 Серил «Кашкирлар макони»

Сешанба 18

- 12.05 «Телехамкор»
- 12.25 «Детский час»
- 12.50 Серил «Солдаты»
- 13.40 «Мусикий табасум»
- 14.00 Худ. фильм «Небеса в огне»

Чоршанба 19

- 15.30 «Ошиқона»
- 16.10 «Аёллар орузи»
- 16.45 «Телехамкор»
- 17.00 «Болалар соти»
- 18.00 «Болажон-каважон»
- 18.20 «Мусикий лавзалар»
- 18.40 «Ишон - ТВ» тақдим этади «Саховатли касб эгалари»
- 19.00 «Ошиқона»
- 19.40 «Телехамкор»
- 20.00 «Мусикий табасум»
- 21.00 Серил «София, дай мне время», серил
- 21.45 «Мусикий табасум»
- 22.15 «Маргилон ТВ» тақдим этади «Менинг шахрим»
- 22.20 Серил «Кашкирлар макони»
- 12.05 «Телехамкор»
- 12.25 «Детский час»
- 12.50 Серил «Солдаты»
- 13.40 «Мусикий табасум»
- 14.00 Худ. фильм «Шанхайский полдень»
- 15.30 «30-й кадр»
- 16.00 «Детский час»
- 16.45 «Телехамкор»

TV-MARKAZ

Душанба 17

- 12.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
- 12.20 Мировые хиты
- 13.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
- 13.20 Узбек наволари
- 14.00 «Юлдузли пайшанба» (повтор)
- 14.40 Узбек наволари
- 15.00 Телениня
- 15.45 Узбек наволари
- 16.30 Мировые хиты
- 17.00 «Судьбы»
- 17.30 Узбек наволари
- 18.00 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
- 18.20 Узбек наволари
- 19.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
- 19.20 Серил «Верека из песка» 6-серия
- 20.20 Узбек наволари
- 21.00 «Миссия неповторима» (повтор)
- 21.30 Мировые хиты
- 22.00 Комедия по понедельникам «Осенний марафон»
- 23.40 Миксер

Сешанба 18

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
- 12.15 Мировые хиты
- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Узбек наволари
- 14.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)

Чоршанба 19

- 12.15 Узбек наволари
- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Мировые хиты
- 14.00 «Великолепная семёрка» (повтор)
- 14.30 Узбек наволари
- 15.00 Телениня
- 15.45 Узбек наволари
- 16.30 ТОП-20 (повтор)
- 17.15 Узбек наволари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Мировые хиты
- 18.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)
- 18.50 Узбек наволари
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Серил «Верека из песка» 7-серия
- 20.15 Узбек наволари
- 21.00 Спецрепортаж
- 21.20 Мировые хиты
- 22.00 Кино «Небо, самолет, девушка»
- 24.40 Миксер
- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
- 12.15 Мировые хиты
- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Узбек наволари
- 14.00 ПРЕМЬЕРА! (рус.)

Жума 21

- 17.00 «Хит-парад плюс», повтор
- 18.00 «Черепашки ниндзя», мультфильм
- 18.20 «Мусикий лавзалар»
- 18.40 «Маргилон - ТВ» тақдим этади «Уржуза»
- 19.00 «Ошиқона»
- 19.40 «Телехамкор»
- 20.00 «Мусикий табасум»
- 21.00 Серил «София, дай мне время»
- 21.45 «Мусикий табасум»
- 22.15 «Таркиит ТВ» тақдим этади «Афсонадан хақиқатгача»
- 22.20 Серил «Кашкирлар макони»
- 12.05 Телехамкор
- 12.25 «Детский час»
- 12.50 Серил «Солдаты»
- 13.40 «Мусикий табасум»
- 14.00 Худ. фильм «Психаналитик Дна»
- 15.30 «Жюль»
- 16.00 «Детский час»
- 16.45 «Телехамкор»
- 17.00 «Такси хамрох»
- 17.30 «Мультфильмы»
- 18.00 «Черепашки ниндзя», мультфильм
- 18.20 «Мусикий лавзалар»
- 18.40 «Кинон-ТВ» тақдим этади «Саломат»
- 19.00 «Ошиқона»
- 19.40 «Телехамкор»
- 20.00 «Мусикий табасум»
- 21.00 Серил «София, дай мне время», серил
- 21.45 «Мусикий табасум»
- 22.15 «Мулоқот-ТВ» тақдим этади «Бизнинг замондаш»
- 22.20 Серил «Кашкирлар макони»

Пайшанба 20

- 12.05 Телехамкор
- 12.25 «Детский час»
- 12.50 Серил «Солдаты»
- 13.40 «Мусикий табасум»
- 14.00 Худ. фильм «Психаналитик Дна»
- 15.30 «Жюль»
- 16.00 «Детский час»
- 16.45 «Телехамкор»
- 17.00 «Такси хамрох»
- 17.30 «Мультфильмы»
- 18.00 «Черепашки ниндзя», мультфильм
- 18.20 «Мусикий лавзалар»
- 18.40 «Кинон-ТВ» тақдим этади «Саломат»
- 19.00 «Ошиқона»
- 19.40 «Телехамкор»
- 20.00 «Мусикий табасум»
- 21.00 Серил «София, дай мне время», серил
- 21.45 «Мусикий табасум»
- 22.15 «Мулоқот-ТВ» тақдим этади «Бизнинг замондаш»
- 22.20 Серил «Кашкирлар макони»

Жума 21

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
- 12.15 Мировые хиты
- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Узбек наволари
- 14.00 «Юлдузли пайшанба» (повтор)
- 14.30 Узбек наволари
- 15.00 Телениня «Король-Лев»
- 16.20 Мировые хиты
- 16.50 ПРЕМЬЕРА! (рус.)
- 16.50 Узбек наволари
- 17.00 «Судьбы» (повтор)
- 17.30 Узбек наволари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Узбек наволари
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Серил «Игра на выбывание» 2-серия
- 20.15 Узбек наволари
- 22.00 Кино «Бандиты»
- 00.20 Миксер
- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
- 12.15 Узбек наволари
- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Мировые хиты
- 14.00 Спецрепортаж
- 14.20 Узбек наволари
- 15.00 Телениня
- 15.45 Мировые хиты
- 16.00 Узбек наволари
- 16.30 «Великолепная семёрка»
- 17.00 Узбек наволари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Узбек наволари
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Серил «Игра на выбывание» 1-серия
- 20.55 Узбек наволари
- 21.00 «Юлдузли пайшанба»
- 21.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)

Пайшанба 20

- 12.00 Марказ NEWS (узб.)
- 12.15 Узбек наволари
- 13.00 Марказ NEWS (рус.)
- 13.15 Мировые хиты
- 14.00 Спецрепортаж
- 14.20 Узбек наволари
- 15.00 Телениня
- 15.45 Мировые хиты
- 16.00 Узбек наволари
- 16.30 «Великолепная семёрка»
- 17.00 Узбек наволари
- 18.00 Марказ NEWS (узб.)
- 18.15 Узбек наволари
- 19.00 Марказ NEWS (рус.)
- 19.15 Серил «Игра на выбывание» 1-серия
- 20.55 Узбек наволари
- 21.00 «Юлдузли пайшанба»
- 21.30 ПРЕМЬЕРА! (узб.)

Шанба 22

- 12.05 «Телехамкор»
- 12.25 «Детский час»
- 12.50 Серил «Солдаты»
- 13.40 «Мусикий табасум»
- 14.00 «Компаньон», мелодрама
- 15.30 «Ошиқона»
- 16.10 «Детский час»
- 16.45 «Телехамкор»
- 17.00 «Документальный фильм»
- 18.00 «Черепашки ниндзя», мультфильм
- 18.20 «Мусикий лавзалар»
- 18.40 «Марказ ТВ» тақдим этади «Судьбы»
- 19.00 «Ошиқона»
- 19.40 «Телехамкор»
- 20.00 «Мусикий табасум»
- 21.00 Серил «София, дай мне время»
- 21.45 «Мусикий лавзалар»
- 22.15 «Кинон-ТВ» тақдим этади «Афсонадан хақиқатгача»
- 22.20 Серил «Кашкирлар макони»</

Бу сирли олам

Биз ўз қалбимизга четди туриб назар ташлайлик-а, унда нималарни кўрамиз? Минг бир ранг, юз бир орзу-умид, беадад чиройли хаёллар... Агар интилсак бу мақсадларимизнинг ҳар биттасига эришамиз. Фақат истасак бас. Шунинг ўзиёқ имкон даражамизнинг бемисл эканлигини билдиради. Айтайлик, сиз қип-қизил чўғ устида рақс тушаётган болани ҳеч қўзатганмисиз? Ё бир уюм шиша синиқларини босиб юриб кетаётган ўсмирни-чи? Ёхуд баланд дор симларида сакраб ўйнаётган болакай сизда қандай таассурот қолдирган? Чет элнинг гавжум кўчаларидан бирида тасодифан фожеа юз берганида кўз очиб юмгунча беш тонналик машинани кўли билан кўтариб, унинг гилдираклари остидан боласини тортиб олган онанинг жасоратини эшитгансиз, албатта. Ярим метрлик пичоқни бўғзидан то қорнигача киритган ёки кўз ўнги-гизда каттақон шиша банканинг ичига жойлашиб олган одам ҳақида нималарни ўйлагансиз? Уларнинг хатти-ҳаракати тилсимотми ёки оддий ҳодиса? Демак, улар яширин имконларини ишга солиб мўъжиза кўрсатдилар! Ахир табиатнинг мукамал асари бўлмиш инсон вужудида бекиёс куч-қудрат мужассам. Имконларимиз худди кўнглимиздаги ўй-хаёллар каби худудсиз.

Борди-ю биз ўзимиздаги хаёл қувватию имконларимизни тарозининг икки палласига қўйсак борми, албатта хаёллар кучи устун келади. Имкониятларимиз эса яширинлигича қолаверади. Нега? Чунки, биз улардан тўла фойдаланишни билмаймиз. Олимларнинг таъкидлашларича, Одамлар имкониятларининг ўндан бир қисмидангина фойдаланишаркан. Агар ички куч-қувватнинг ақалли ярмини ишга солса қирқта чет тилини, ўн беш жилдлик улкан Қомусни қисқа муддатда ўзлаштиришга қодир бўларкан.

Ривоят қилишларича, Жалолиддин Румий кичкиналик чоғларида ўз тенги болалар билан пастак том устида ўйнаб юрарди. Ёнидаги болалардан бири «Юр, энди нариги томларга ҳам сакраймиз» дейди. Шунда Жалолиддин «Томма-том сакраб юриш ит ва мушуклар иши, агар жонингда қувватинг бўлса, осмоннинг томига сакрагил» дейди. Демакки, инсон ҳаётда олдинга

машқларга берилдим ва тажриба жараёнида шундай хулосага келдимки, ёшликни ҳеч қачон қайтариб бўлмайди, бироқ инсон вужудини ёшартириш мумкин экан! Узлуксиз машқлар жисмдаги салбий оқимларни тўхтатиб, қариш жараёнини секинлаштиради. Охири-оқибат мен аввалгидан бир неча баравар кўп, яъни битта оёқда икки юз марта сакрай оладиган бўлдим. Кунига беш-олти километр масофани илгаригига қараганда тезроқ югуриб ўтардим. Тўсинга беш марта тортилиш мен учун ҳеч гап эмасди. Мана, ҳақиқий мўъжиза қайда?! Энг муҳими, инсон ўз иродасини тарбияламоғи керак, ана шунда у мўъжиза ярата олади!»

Яна бир мисол. Жаҳон таниган сайёх Гумбольд тўқсон ёшдан ошганда ўзининг «Космос» асарини ёзган экан. Хўш, уйғониш даври италян рассоми Леонардо да Винчи асарлари не сабабдан миллионлаб кишиларнинг диққатини ўзига жалб этган? Бу инсоннинг Жоконда номи

Чўғ устида ўйнаётган болакай ёхуд яширин имкониятларимиз қай даражада?

юрмоқчи бўлса, баландроқ дорга «осилмоғи» керак экан! Мен ривоятни эшитгач, Пушкиннинг машҳур сатрларини эсладим:

Сокин денгиз қиргоғида тўр ёймоқда балиқчи,

Бола унга қарашмоқда.

Балиқни қўй, ўсмир,

Сени ўзга истиқболлар, ўзга тақдирлар кутар,

Сен ақллар овлайсан, қарашгайсан шоҳларга!

Ҳа, яширин имконларимиз режаси бизни машҳурлик оламига етакламоғи мумкин. Шундай экан, ирода-миз кучини белгилаб, иқтидоримизни тўғри йўналтириб, улкан режалар томон бормоққа нечун шошилмаймиз? Нега мўъжизалар оламида ўзимизни синовдан ўтказмаймиз? Шуҳрат тожини кийиш ҳаракатини нечун пайсалга соламиз?! Бир донишманд бу борада шундай маслаҳат беради: «Агар ишинг юришмаса ҳаракат қил. Шунда ҳам ишинг юришавермаса, янада кўпроқ ҳаракат қил. Борди-ю, барибир ишинг юришмаса, сен учун биргина йўл қолади, у ҳам бўлса ҳаракат қилишдир!»

Биз хислатли, авлиёсифат кишилар ҳақида кўп эшитганмиз. Ўтмишга назар ташласак, авдоқларимизнинг доно, ич-ичидан зиёлинамо бўлганликларини тушуниб оламиз. Манбаларда ёзилишича, Алишер Навоийнинг устози бўлмиш Абдурахмон Жомий кишилар кўз олдида бир нигоҳ ташлаши биланоқ қаттиқ ёғиб турган жалани тўхтатган экан! Оддий чигта нақш солиш ҳунари билан шуғулланган Баҳоуддин Нақшбанд эса элга келган бало-қазоларни даф қилиш қудратига эга бўлган. Ҳанузга қадар халқ ичида бир ишга таваккал қилинса, «Ё Баҳоуддин балоғардон!» дейиш одати сақланиб қолган. Ҳожи Бектош Валий ҳақида мана бундай ҳикоят ханузгача тилдан-тилга кўчиб юради. Эмишки, сабоқ чоғида устози Ҳожи Бектошдан таҳорат учун сув олиб келишни сўрайди. Шунда шогирд «Пирим, обдастага на ҳожат? Менга устозлик фотиҳасини бериб, сўнг шундоқ ортингизга ўгирилсангиз бас, боғ ичида зилол бўлоқ оқиб ётур» дейди. Устоз бунга ишонқирамай фотиҳага кўл очди, кейин ўгирилса, чиндан ҳам гўзал боғ, ичида зилол сувли булоқ қайнаб ётганмиш. У таҳоратини тугатиши биланоқ боғ ҳам, булоқ ҳам ғойиб бўлибди. Шунда устози Ҳожи Бектошни узоқ дуо қилади ва унинг валий бўлишини башорат сифатида айтади.

Бундай воқеа-ҳодисаларни кўплаб келтириш мумкин.

«... Ҳаста юрагимга иккинчи мартаба кардиостимулятор ўрнатилганда буткул ҳолдан тойдим, ҳатто ўлим билан юзма-юз келиб қолдим, — дея ёзади ўз хотираларида машҳур юракшунос жарроҳ Николай Амосов. — Сўнг вужудимдаги яширин кучни уйғотиб, тинимсиз

билан машҳур бўлган «Мона Лиза» портрети ва бошқа ўнлаб расмлари жаҳон рассомлиги хазинасидан ўрин олгани ҳақиқат-ку! Аслида буюк рассом ўз имкониятларидан қулай пайтда фойдалана билган. Манбаларда ёзилишича, самолёт пайдо бўлмасидан бир неча аср илгари Леонардо да Винчи улкан қушни эслатувчи учуш аппаратини яратган. У ҳатто меъмор сифатида идеалидаги шаҳар лойиҳасини ҳам чизган экан!

Россиянинг овлоқ қишлоғидаги камбағал оилада воёга ётиб, кейинчалик анча машҳур бўлган олим Порфирий Ивановнинг бир асарида шундай дейилади: «Мен умримнинг кейинги эллик йилида касал бўлиш тугул бирор марта енгил шамоллаганим йўқ. Чунки совуққа ўзимни ўргатдим. Совуқнинг даволочки кучига ишонаман, кейинчалик ҳатто қиш пайтларида ҳам қор устида ялангоёқ юрадиган бўлдим. Инсонда намоён қудрат аслида чексиздир!» Олим ўз асарининг «Эй азиз фарзанд» деб номланган махсус бобида китобхонларга ўн битта насиҳатни ёзиб қолдиради. Бу насиҳатлар қисқача шундай сўзлардан иборат: «Иссиқ сувда ювинсанг ҳам уни совуқ сув билан тугалла! Хаёлингга доимо яхши фикрларни келтириб, ўзингга ва бошқаларга соғлиқ тила! Шароб ичма, чилим чекма! Хафтада бир кун оч юришига одатлан! Табиатни сев! Хушмуомала бўл, муҳтожларга ёрдам бер, камтар бўл, одамларга ишон!» Агар бу панд-насиҳатлар мағзини чақсак, унинг ҳар бир сўзи Куръони Карим сўзларини ёдимизга туширади. Мазмунан ҳам бир хиллигини англаймиз. Демакки, тўғри яшаш, одамларга яхшилик қилиш инсон руҳиятини камолга етказибгина қолмай, балки саломатлигини ҳам яхшилар экан.

Булардан кўринадики, тарихий буюк шахслардан ҳали кўп нарсани ўрганишимиз зарур. Уларнинг «Виждоннинг қули, иродангнинг хўжайини бўл!» деган ҳикмати ҳам биз учун сабоқ. Ахир иши сал юришмай қолса, тушкунлик гирдобига қолиб, дарҳол ортга чекинади-ганлар кўп орамизда. Бошга қулфат тушса, дарду дунёси қоронғу бўлиб ўзига ўлим тилайдиган қимсалар ҳам анчагина. Ўзгаларнинг таъсирига учраб оқни қора, қорани оқ дейдиганлар-чи? Мансабу бойлик илинжида ўз эътиқодига қарши борадиган кишилар-чи? Бундайлар ўзидаги яширин кучни тириштириш ўрнига бировларга яхшилик қилишдек озгина имконни ҳам йўққа чиқармаётганмикинлар?! Хуллас, вақт кутиб турмайди. Танамиздаги қувватни жамлашлик, ақлу иродаимизни ишга солашлик, хузур-ҳаловатни хуш кўрадиган танамиз эҳтиёжларига кўпам қўлоқ тутавермасдан, бизни юксакларга бошловчи руҳимизни кўллаб-қувватлашлик. Зеро, шундагина ўзимиз ҳам руҳан ва жисман соғлом яшамогимиз мумкин бўлади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

Илҳом

Тўртликлар

Бу дунё ҳақида айласам фикр,
Бору йўқ номини қилгайман зикр.
Келганлар кетдилар, таомил шу, лек
Қайтишим билсам ҳам айтқум мен шукр.

Атрофдаги барча ёмон бўлмагай,
Ва лекин яхшига осон бўлмагай.
Бу кураш дунёси, ҳатто ютқазган
Юртганинг қошида самон бўлмагай.

Саркаш бандалардан сақланинг — фойда,
Яхшига кун йўқдир ёмон бор жойда.
Тоғдан тушаётган шаффоқ сув роҳат,
Лекин бўл эҳтиёт, тош ҳам бор сойда.

Фалакка узандим етсин деб зора,
Етмоқ илинжида изладим чора.
Билсамки, чора йўқ экан, сабаби
Осмонга кўз тиккан кўнгил бечора.

Баҳоидир МАДМУРОДОВ

«БЕКИНМАЧОҚ»

(Катталар ўйини)

«Чақалоқ» хусусий корхонасида бекинмачоқ ўйнайдиган бўлишди.

«Ёш болаларнинг ўйини-ку?» дерсиз. Ҳечам-да! Қизиқарли ўйинларнинг болаларники ё катталарники бўлмайди. Масалан, катталар копток тепишадими? Тепишади. Катталар анҳорда чўмилишадими? Чўмилишади. Бўптида!

Шундай қилиб, ўйин бошланди.

Биринчи бўлиб, бошлиқ муовини яширинди. Тоза қидиришди. Охири уйдан топилди. Бекинган пайтида қорни оғриб қолган экан. Дўхтирдан олган қоғозини кўрсатди...

Келаси ўйинда бош бухгалтер бекинди. Лекин у бекинмачоққа жуда устаси фаранг экан. Орадан ярим ойча вақт ўтгандан кейин қишлоқдаги қайнонасиникидан топиб келинди.

Омбор мудирини эса излаш унча қийин бўлмади. Уни ўша заҳоти топилди. Ароқдан бўшаган шишани бошига қўйиб, бўм-бўш омборда хурракни уриб ётган экан.

Қоровул амаки билан фаррош хотинни ўйинга кўшишмади. Сабаби, улар биринчидан кексайиброқ қолишган, ишлари бошларидан ошиб-тошиб ётарди. Охирида корхона бошлигининг ўзи бекинди. Қидиравериш ҳолу жонлари қолмади. Топилмади. Солиқ идораси хизматчиларию, тафтишчиларни ҳам ёрдамга чақирди. Барибир натижа чиқмади.

Нихоят, уни жиноят қидирув ходимлари излаб топилди. Қаердан? Буниси ҳозирча номаълум...

«КИМ НИМАДАН ҚЎРҚАДИ?»

(5-«А» синф ўқувчиси

Суробжоннинг эркин

мавзуда ёзган иншоси)

Курт-кумурсқалар чумчуқдан кўрқадди.

Чумчуқ мушукдан кўрқадди.

Мушук кучукдан кўрқадди.

Кучук бўридан кўрқадди.

Бўри йўлбарсдан кўрқадди.

Йўлбарс арслондан кўрқадди.

Арслон филдан кўрқадди.

Фил эса сичқондан кўрқадди.

Синфдошим Болтавой сичқондан кўрқадди.

Синфимизнинг аълочиси Қобилжон бўлса мендан кўрқадди.

Дадам ишхоналарининг бошлиғи Ваққосовдан кўрқадилар.

Қайси кун дадам билан ойим гаплашиб ўтиришганди, эшитиб қолдим: «Ваққосов амаки хотинидан кўрқаркан»

Демак, ҳаммадан зўр, ҳеч кимдан, ҳеч нимадан кўрқайдиган Ваққосовнинг хотини экан!...

Эркин УСМОНОВ

Бу воқеага анча бўлди. Уни эслашдан мақсад битта: ёшларимиз ўртасида ва умуман, ҳаётимизда кўнгилсизликлар бўлмаслиги учун айримларга сабоқ бўлар деган умид бор.

Қишлоқдан келган яқин танишим билан суҳбатимиз узок давом этди. У киши кўп йиллар Шахрисабз туманида маориф соҳасида ишлаган. Умрининг асосий қисми ёшлар таълим-тарбияси йўлида ўтган. Хуллас, юрт кезмаган бўлса-да, одамнинг юзига қараб, ичидагисини айтадиганлар хилидан. Вақт алламаҳал бўлишига қарамай, суҳбатдошимнинг ҳикоясини жонқулок бўлиб тингладим.

... Кўча бўйлаб бир гуруҳ оломон тез-тез одимлаб кетмоқда. Олдинроқда эса қўлдан қўлга огиштирилаётган тобут чайқалиб-чайқалиб боради. Кексаю ёш бири қўйиб, бошқаси унга елка тутишга интилади. Шу билан марҳум ҳурмати ни бажо келтиргандай, гўё. Тобутда эса бу дунё ташвишларини қолдириб Она бормоқда...

1943 йилнинг қирчиллама киши. Ҳамма ёқ оппоқ қорга бурканган. Аёзнинг зўридан тупук ҳам музлайди. Қурғоқчилик боис ҳосил кам бўлган. Амалтақал қилиб тўплангани фронтга жўнатилиб, кўпчилик хонадонларда бир кафт ун топилиши амримахол, очарчилик авжига чиққан. Бу ҳам етмагандай, юкумли касаллик тарқаб, ҳали у, ҳали бу хонадондан юракни эзувчи нолалар эшитилиб туради. Шундай кунларнинг бирида қорли сўқмоқдан ота ва жажжи қизча эшакка ортган ўтинини шаҳар томон элтмоқда. Амаллаб сотишса, хонадонга егулик олиб қайтиш мумкин. Бироқ шундай аёзли кунда қизча отасига нега ҳамроҳ бўлиб олди? Ўтинни сотишгач, «шу ерда туратур, эшакни олиб келай, сўнг уйга қайтамыз», деганди унга падари. Аммо... Қисматни қарангки, қизча вояга етиб, отаси нега ташлаб кетганини бир умр билмай, армонда кетди...

Унинг асли исми Гулшан эди. Маҳалладошлари Тозагул момо деб чақирарди. Айтишларича, бунга сабаб, момо умргузаронлик қилган маҳаллада узок йиллар хайр-барака мўл бўлган. Хонадонларда ахён-ахёнда учраб турадиган оилавий можаролар ҳам унинг аралашуви билан барҳам топаркан. Момонинг оилавий аҳволи оғиз тўлдириб гапирарли даражада эмасди. Тилаб олган ёлғиз ўғли Тўраҳондан бўлак на бир қариндоши, на ака-укаси бор.

Ўғли тўрт ёшга кирганида турмуш ўртоғи Мамат ака тўсатдан қазо қилиб, рўзгор ташвиши унинг гарданига тушди. Ёлғиз суяничи, ишонгани шу ўғли эди. Бироқ...

Йиллар бешафқат. Умр ўтиб кетаверади. Дунёнинг ишлари қизиқ экан. Умри давомида бировлардан меҳрини дариг тутмади, яхшилик қилди, аммо яхшилик кўрмади. Ҳатто не умидлар билан катта қилган ўғли ўзини тутиб олгач, қанча маломатларни



солмади бошига.

Тўраҳоннинг олий ўқув юртига ўқишга кирганлиги ҳақидаги хушхабар нафақат момони, балки маҳалладошларни ҳам хушнуд этди. Унинг талабалик даври айтарли қийин кечмади. Тозагул момо ёлғиз фарзанди учун ҳар нарсага тайёр эди. Шу сабабли қозикда боғлоғли биттаю битта сигирини арзон-гаровга сотиб, дарвозага қулф урди-да, қаердасан Тошкент дея йўлга тушди. Университет маъмурияти ҳиммат кўрсатди: талабалар ётоқхонасига фаррошликка жойлаб қўйишди. Вақт эса ўтиб борарди. Ҳадемай беш йил ҳам ортда қолди. Она-боланинг қувончи чексиз, қишлоққа қайтишди. Орзуси ўғлини ўқимишли қилиб, келажакда яхши инсонлар сафида кўриш эди. Бироқ «шаф-шаф»

деган билан шафтоли пишавермас экан.

Одамнинг фазилатини билмоқчи бўлсанг, унга амал бериб кўр, деган гап бор. Тўраҳон иш бошлаган хўжаликда мутахассислар камёб эди. Чекка туман бўлганидан бу жойларга ҳар ким ҳам келавермасди. Хўжалик бош ҳисобчиси нафақага чиққанида, у атиги бир йил ёрдамчи бўлиб ишлаганди. Раиснинг «ҳиммати» туфайли бош ҳисобчи мансабига ўтирди. Маҳалладошлар бундан қувонган бўлса-да, кўп ўтмай, баъзи нопок ишлар қилинаётгани сезилиб қолди. Яқин танишлар, муштипар онанинг панд-насихатлари унга қор қилмасди. Хуллас, унинг ошиғи олчи, егани олдида, кўнгли нима истаса, ўша заҳоти рўёбга чиқаришга қурби етади. Бесар оёқ босишлар, эл ризқиға хиёнат қилиш-у ўмарилар «раис бобо»си ҳомийлигида бўлиб, ўзи ҳам тобора тубсиз жарлик сари шўнғиётгани.

Онаси ўйлаб-ўйлаб ўғлининг боши-

Момонинг сўзлари оғзида қолди. Ичкиликдан сархуш Тўраҳон онасига қўл кўтарди.

— «Насихатларинг жонга тегди, сендан қачон қутиламан?» дея ярим тунда уни кўчага ҳайдади. Бундай ҳол бир кун эмас, кун ора тақорланадиган бўлиб қолди.

Нима қилса, кампир кўздан нари бўлади? Жонига хотини оро кирди. Эрхотин гапни бир жойга қўйиб онаизорни «Қариялар уйи»га жойлаштирди. Энди ҳеч ким насихат қилиб бошини оғритмайди. Истаганча эркин яшаши мумкин. Ана шундай кунларнинг бирида у яна жиноятга қўл урди: бировнинг вояга етмаган қизини зўрлади. Исодга чидолмаган қиз ўзини ўзи осиб қўйди. Ҳамтоқларининг сабъ-ҳаракати туфайли зўрға жазодан омон қолди.

«Қариялар уйи». Ҳамма ёқ саранжом-сарилла. Бу ерда истиқомат қилувчиларга яхши хизмат кўрсатишади. Давлатнинг эътибори ва ёрдами катта. Лекин ўз уйинг ўлан тўшагинг, деганлари бежиз эмас-да! Боз устига, шириндан-шакар набиралари, ўғли бор. Ҳашпаш дегунча уч йил ўтибди. Бироқ на ўғлидан, на келини-ю, набираларидан дарак бўлмади.

— Ҳа, ишлик одам, вақт тополмаётгандир-да, келиб қолишар, — дея ўзини юпатарди момо...

Халқ мулкига, давлатга хиёнат қилганлар барибир барака топмайди. Тўраҳон ва унинг ҳамтовоқлари қилиб юрган пинхона ишлар бир кун келиб фош этилди. Барчаси ўз қилмишига яраша жазосини олишди. Хотини ва фарзандлари эса лаш-лушни йиғиштириб, уйдан чиқиб кетишди.

Даволовчи шифокор момонинг аҳволи оғир, икки-уч кўнгли қолгани ҳақида бош шифокорга тушунтириб, бу ёғи қандоқ бўларкин, дея саволомуз қаради.

Маросим ва тадбирлар маҳалладошларнинг бош-қошлигида ўтди. Одамлар ҳам ўз ташвиши билан Тозагул момо ва Тўраҳоннинг қисматини унутаёзишганди.

Қабристонда тентираб юрган киши дўппайиб турган қабрлар орасидан кимнидир изларди. Чунки ордан анчагина вақт ўтган, қорлар ёғиб, излар босилган.

Қанча изламасин, барибир тополмади. Одамлар ҳам унга на йўл кўрсатди, на саломига алик олди.

Бу — жазони ўтаб қайтган Тўраҳон эди. Айтишларича, қабристондан чиққач, у уйига ҳам бормай, тўғри вокзалга кетибди. Шу-шу уни ҳеч ким кўрган эмас, кейинги тақдири ҳам номаълум. Қилмиш-қидирмиш деб шунга айтсалар керак-да!..

Х.АБДУСАМИЕВ

Спорт + футбол

МАТЕРАЦЦИ АЙТГАНЛАРИНИ ТАН ОЛДИ

Италия терма жамоасининг ҳимоячиси Марко Матерацци жаҳон чемпионати финалида Франция терма жамоаси сардори Зинеддин Зидан билан тўқнашувда унинг синглисини ҳақоратлаганини тан олди. У бу ҳақда Италияда чиқадиغان спорт нашрларидан бирига интервью берган.

— Мен дин, ирк, сиёсатга алоқадор бўлган бирор сўз ишлатмадим. Унинг онасини ҳақоратлаганим тўғрисидаги гаплар ҳам нотўғри. Чунки мен 15 ёшимда онамдан айрилганман ва бу қалбимда очиқ жа-

роҳат қолдирган. Шу боис мен унинг онасини ҳақоратламаганман.

Нима бўлганда ҳам ушбу ҳолат французларга салбий таъсир этганини мутахассислар алоҳида таъкидлашмоқда. Италиялик ҳимоячи эса бу қоидабузарлик учун Зиданни «Олтин тўп»дан маҳрум қилиш адолатдан эмаслигини айтган.

СЕРЕНА УИЛЬЯМС КОРТГА ҚАЙТАДИ

Жаҳоннинг собиқ биринчи ракеткаси Серена Уильямс аста-секин машгулотларга киришди. У келгуси ҳафтада Цинцинаттида бошланадиган халқаро турнирда қатнашишни режалаштирган. Агар бу режа амалга ошса, америка-

лик спортчи йил давомидаги иккинчи халқаро турнирда қатнашган бўлади.

Эслатиш жоизки, ушбу теннисчи мавсумнинг ярмини тиззасидан олган жиддий жароҳат туфайли ўтказиб юборди.

Опа-сингил Уильямсларнинг кичиги айни кунларда АТР таснифида 140-ўринда бормоқда. Бироқ у ҳали етакчилар сафига қайтишига тўлиқ ишонини билдирган. «Агар мен муваффақиятга эришимизга ишонганимда, кортга қайтишни ҳаёлимга ҳам келтирмаган бўлардим», — деган теннисчи қиз.

СПИНКС РАД ЭТДИ

IBF йўналиши бўйича биринчи ўрта вазнда чемпионликни қўлга киритган америкалик Кори Спинкс рақиб россиялик Роман Кармазиннинг «реванш» жанги ўтказиш тўғрисидаги таклифини рад этди. Бу ҳақда Кармазиннинг агенти Стивен Баш «Весь спорт» нашрига интервью берган.

— У тақрорий учрашувдан бош тортди. У кўрқди. Чунки, келгуси жангда унда ҳеч бир имконият бўлмайди. Буни у яхши тушунади, — деган агент.

Кармазин рад жавоби олган бўлса-да, келгусида яна икки жанг ўтказишни режалаштирган. Агар у ушбу жанларда галаба қозона олса, яна чемпионлик камари учун курашиши мумкин бўлади. Аммо бўлгуси рақиблар номи ҳали маълум эмас.

«ЮВЕНТУС»НИНГ ТАҚДИРИ ШАНБА КУНИ ҲАЛ БЎЛАДИ

Жаҳон чемпионлигини қўлга киритган Италия айни кунларда икки чемпионатдаги можаролар гирдобиде қолди. Тўрт жамоа ва 26 нафар шахс устида давом этаётган шов-шувли жанжаллар ҳамон давом этмоқда. Айбдорлар рўйхати аниқ, айблов ҳулоаси эълон қилинган. Фақатгина ҳукм чиқарилса бўлгани. Бироқ бу - Италия. Бу мамлакатда бирорта суд ҳукми ўз вақтида ўқилмаган. Аввалги ҳукм сешанба куни ўқилиши ҳақида хабар тарқатилганди. Италия терма жамоасининг жаҳон чемпионатидаги зафари туфайли бу муддатда ортга сурилди. Бу ортга сурилишлар ҳали кўп давом этиши мумкин эди. Бироқ бу ҳолат УЕФАни қониқтирмайди. Ахир Еврокубок ўйинларига ҳадемай

старт берилди-да.

УЕФА президенти Леннарт Юханссон бу машамаларнинг 25 июлгача туғани лозимлигини таъкидлаган. Бу йилги Еврокубок мавсумида «Ювентус», «Лацио», «Феорентино» жамоалари клуб раҳбарларининг найранглари туфайли турнирда қатнаша олмайди. Агар суд қарори апелляцияга берилган тақдирда ҳам бунга озмунча вақт кетадими? Айниқса, Италияда!

АДРИАНО ВА РОНАЛДУ ЖАМОАЛАРИНИ АЛИШТИРАДИ

Португалия терма жамоа сафида чиройли ўйинлар намойиш этган Криштиан Роналду ўз жамоаси «Манчестер Юнайтед»ни яқин орада тарк этиши мумкин. «Интер» ҳужумчиси Адриано «Кизил ибليسлар» сафига ўтадиган бўлса, икки футболчи бир-бирига алиштирилади. Шунингдек, «Интер» бу алмашувга қўшимча яна 10 миллион фунт олишни хохламоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Хар сафар эрта ухлаб қоладиган Очил буванинг кўзларига шу кеча ҳадеганда уйку келавермади. У узоқ ётди, эртага қандай бўлмасин ўтнинг бўлиқ-бўлиқ қисмини эгаллаши кераклигини хаёлидан ўтказди. Доим кўзига қалтақасакдек бўлиб кўринадиган Турсун қоранинг ўтган йили уйига ўзиникидан икки баравар кўп хашак ташиганини ўйлар экан, юрагига оғрик туриб кетди.

— Энагар безбет! Чидолмасдан ичида сўкинди у. Сўнг ётган жойидан илдам турди-да, бош томонида турган нос қовоғидан бир отим кафтига тўкиб, тил остига ташлади. Носнинг кайфи жуда ўзгача бўлади-да. Беихтиёр шундоқ ёнида, ариқ ёқалаб ўсган қалин тутзорга тикилиб қолди. Бу пайтда ой роса тўлишган эди. Тепалиқдан қараса, Узунсой қишлоғи у адоғидан бу адоғигача яққол кўринади. Очил бува ўрнидан туриб, носини туфлади, ойнанинг ёруғида жимирлаб оқаётган ариқ сувига қўлини чайди ва уйнинг орқа тарафига боғлаб қўйилган эшагини ўттироқ жойга жилдириш мақсадида ўша томонга юрди. Уй ёнидан ўтаётганида, деразанинг ички тарафида тўсиб қўйилган парда ортдан тушган ғира-шира нур уни ҳам бир зумга ёритди. Вақт алламаҳал бўлган. Очил бува кампирининг ҳали ҳам ухламаганига ҳайрон бўлди ва дераза ёнига келиб, тирқишдан ичкарига қаради. Кампири чироқ ёруғида мулғиб-мулғиб, шу йил баҳорги қирқимда қирқилган қўй жунларини титиб ўтирарди.

«Гап таъсир қипти, — дилидан ўтказди Очил бува. — Тўғри-да, оёқ-қўлинг соғ бўлса, бор-йўғи 12 та қўйнинг жунини эпллолмасанг, нима қилиб юрибсан?! Шунни титиб, йигириб, ипидан учта-тўртта шолча тўқисанг ҳарна 1-2 сўм пул бўлади». Кўёш тиккага келган маҳал, чол-кампири сўрида ўтириб, чалоб ичаётган эди. Шунда кампир:

— Бова, энди менинг жоним йўқ, шу қўйларнинг жунини Рўзикулнинг хотинига берсақ, тўртта шолча чиқаркан, иккитасини ўзи олади, иккитасини бизга беради. Қуяга ем бўлиб кетганидан кўра, яхши-да, — кўнгли сиғиб гапирди. Бу гап Очил бувага умуман ёқмади, аввалига индамади, бўлди қилар, деб кутди. Лекин кампир тинмади, ҳали у, ҳали бу дея жаврайверди. Сал-нарсига тўнини тескари қийиб оладиган Очил буванинг тоқати тоқ бўлди, кампирга ўшқириб кетди:

— Жунга умуман тийинма, Рўзикулнинг хотинигаям, бошқасига бермайсан, агар қўлинг узилиб тушган бўлса, жойида тирай берсин, майли қуя еб кетсин!

Шундан сўнг Ирисой момо юзини чолига тескари ўгириб ўтирди, кунни билан аразлашиб юрди.

Ирисой момо қирқ тўрт йил бир ёс-тиқча бош қўйиб, яхши-ёмон кунларни биргалиқда бошдан кечириб келаётган чолининг феълени яхши билса-да, кейинги вақтларда тез-тез тоби қочадиган бўлиб қолгани учун, ўзини мана шунақа ишлардан бироз тийиш мақсадида бу гапларни айтган эди. Лекин Очил бува бундай «дийдиё»ларни кўтарадиганлар хилидан эмасди. Шунинг учун ҳам Ирисой момо ҳоли келса-келмас ярим тунгача ухламай жун титиб ўтирибди.

Очил буванинг кўнглида кампирга нисбатан озгина бўлса-да, ачиниш ҳисси пайдо бўлди: «Бечора кампир, ўзи дунёга келиб нимани ҳам кўрдинг, Худо иккимизга фарзанд насиб қилмади. Шундоғам қуйиб адо бўлган бўлсанг, бу ёғи тобинг қочиб турибди. Мен ўзим аҳмоқман, сенга нега бақирдим?!»

Лекин яна ўжарлиги тутиб, кампирга раҳми келганини билдириб, «кампир, энди ётақол, кеч бўлиб кетди» дегиси келмади. У боғлаб қўйилган эшаги томон юрар экан, шундоқ уй орқасидаги узумларни пайҳон қилаётган, эгаси ҳайдаб юборган дайди тойхарларга кўзи тушди ва жон ҳолатда тутга суяб қўйилган кетмонни қўлида тутганича, уларни кува солди. Тойхарлар ҳам газаб ўтида ёнган Очил буванинг кетмон билан тушириб қолишидан кўрқиб, ҳамма ёқни

чангитганича боғнинг кечки пайт очик қолиб кетган дарчасидан (қўшнисиникидан келаётган Ирисой момо хаёлидан кўтарилиб очик қолдирган эди) чиқиб кетишди.

Узумларининг «жойи солиганидан» фигони фалакка кўтарилган Очил бува дарчани ёпиб келар экан кампирини бўралаб-бўралаб сўқди:

— Ит эмган, тулки тумшук. Тирраймай ўл, ачарва...

Барги ва ғўраси яккам-дуккам бўлиб қолган ток новдаларини яхшилаб кўздан кечирар экан, газаби баттар кўзиди. Шу тобда, кампирини бу ёққа судраб келиб,



«Нима қилиб қўйганинги мана кўриб қўй», дея боғлаб сўкиб, алаמידан чиқмоқчи ҳам бўлди. Хуллас, Очил бува дарчани очик қолдириб, узумларини хўтикларга «ем» қилгани учун кампирини тоқзор орасидан ғўр қазиб, «тириклигини тикишга» ҳам тайёр эди. Бу пайтда, боя мулғиб-мулғиб жун титиб ўтирган Ирисой момо чироқни ўчириб, уйкуга кетган эди. Буни билган Очил бува ҳар қалай уни безовта қилмади, индамай супадаги ўрнига чўзилди ва бирпас ўтар-ўтмас унинг ҳам кўзларига уйку инди...

Очил бува роса тупроққа беланган ҳангисининг чангларини қоқиб, устига қалмоқи уриб, кетишга ҳозирлаб қўйганида, осмонда тонг юлдузи ярақлаб турарди. У қанор, ўроқ ва арқонни ҳозирлади-да, таҳорат олиб бомдод намозини ўқишга киришди. Бу пайтда Ирисой момо ўчоқ бошида қуймаланиб, чой қайнатарди. У чолининг намоз ўқиб бўлиши билан чойини дамлади, кеча пишириб қўйган филминдини олиб келиб дастурхонга қўйди ва тундаги воқеадан беҳабар ҳолда чолига гап қотди:

— Ҳали эртасамми, бова?!

Кечаги алами ичида қолган Очил бува, бунга жавобан:

— Ўласанми олди-ортинга қараб юрсанг, кеча дарчани очиб келсан, бир сурув эшак кириб, боғни яқсон қилган, ҳалиям билиб қолиб, ҳайдаб чиқардим, бўлмаса помидор ҳам ер билан битта бўларди, узумдан-ку умуман қолмаган! — оғзидаги совиган филминдини чайнай-чайнай бақира кетди. Ирисой момо тилини тишлади, кеча қираётган дарчани очик қолдиргани «лип» этиб хаёлидан ўтди. Хуллас, Очил бува филминдини еб битиргунча, кампирини роса койиди, кейин пиёлада совиб турган қўқ чойни бир кўтаришда симирди-да, эшагига миниб, қабристон томон йўл олди. У эшагини

нуқиб-нуқиб борар экан, хаёлида фақат бир нарса чарх урарди, у ҳам бўлса қабристонга қандай бўлмасин Турсун қорадан олдиноқ бориш, у этиб келгунча ўтнинг қалинроқ бўлиб ўсган қисмини ўриб битириш эди.

Номи Қизилтош бўлган бу қабристон сойнинг шундоқ кирга туташ қисмида жойлашган бўлиб, майдони бор-йўғи 1,5 гектарни ташкил этади. Ташқаридан темир панжара билан ўралгани боис, далада ўтлаб юрган қўй-эчкилар унинг ичкарига киролмайди. Шунинг учун ҳам бу ердаги майсалар баҳор ёмғиридан барқ уриб ўсиб ётарди, айниқса, қабристоннинг чап томонидаги текислик бўйлаб ёйилган майсалар тизза бўйи кўтарилади. Ҳар йили Очил бува билан Турсун қора ёмғирли кунлар ниҳоялаб, майсалар сарғая бошлагач, бу ердаги ўтларни қўй-молларига емиш сифатида ўриб, уйига ташиб оларди. Бунинг учун улар ўзаро келишув асосида ёзининг би-

кечган бояги ҳислар уни бутунлай тарқатганди. У то кўёш чиқиб, кун ёйилгунча қабристон ўтининг учдан бир қисмини ўриб битирди ва кўнгли хотиржам бўлиб, озгина дам олиш мақсадида ўрилган жойга ёнбошлади. Бу пайтда Турсун қора отини етаклаганича, қабристоннинг орқа тарафидаги қирликдан қиялаб келарди. Очил бува унинг келаётганини илғамади, хаёлга чўмган қуйи, юзидан тинмай ёғилаётган терни бармоқлари билан сидириб туширарди. Турсун қора Очил буванинг анчагина жойни «ўзлаштириб» қўйганини узоқданок билди, бир пас дами ичига тушиб кетди, сўнг чапараста сўкинганча бу ёққа тез-тез юра бошлади. У қабристонга яқинлашгач, отининг қозигини оёғидаги кирзи этиги билан тепиб-тепиб ерга қоқди-да, қабристон эшигидан ҳам кирмай, темир панжарадан секингина ошиб ўтди ва «сон-саноксиз «тепалик»ларни айланиб ўтганича, ўрилган жойларни бир-бир бошиб, Очил буванинг олдига келди.

— Ҳорманг, Очилбой, — газабу гайирлигини яширишга уриниб гап бошлади Турсун қора. Лекин, шу тобда ишни дўндириб қўйиб, дам олиб ётган Очил бувани ётган жойида бўғиб ўлдиршга ҳам тайёр эканлиги юз-кўзида акс этиб турарди. Очил бува бамайлихотир ўрнидан кўзғолди:

— Яхшимисиз, Турсунбой, соғ-омон юрибсизми? — зўрма-зўраки манзират қилди у ҳам.

Бунга жавобан Турсун қора киноя оҳангида:

— Очилбой, тунни шу ерда ўтказдингизми, дейман?!

— Ҳа, ўтган йили сиз шундай қилувдингиз, бу йил гал бизники, деб эрта-роқ ишга тушдик, — ўзини хотиржам кўрсатиб жавоб берди Очил бува.

Аламдан кўзлари қисилиб кетган Турсун қора бу гапдан сўнг чидаб туролмади, бирданига гаплари кескин тус олди:

— Инсофинг борми ўзи сенинг, мен сен келгунингча, ўтнинг қалин-қалин жойларини ўриб қўйганим йўқ эди-ку, эртароқ келган бўлсам ҳам бир текис ўрганман, у ёқдан бу ёққа сакраб ўрганим йўқ!

Ҳақиқатан ҳам, Турсун қора ўтган йили Очил бувага ўхшаб ўт қалин бўлиб ўсган жойларни эмас, бир текис, қалин-сийрак ҳаммасини ўрган эди, лекин каллаи саҳарлаб келиб ишга тушгани учун ундан кўпроқ ўрган эди. Аслида Очил бува билан Турсун қоранинг ёшида бир-икки йил фарқ бор, иккаласи ҳам олтишдан ошган. Турсун қора узоқ йиллар қишлоқ одамларининг чагана қўйларини боққан, Очил бува эса, мактабда қоровул бўлиб ишлаган, ҳозир иккаласи ҳам нафақада. Улар мана шу қабристон ўтини неча йиллардан буён талашиб-тортишиб ўради, шунинг устида улар бир неча бор юз кўрмас ҳам бўлиб қолишган, лекин маъракаларда қишлоқ одамлари уларни яраштириб қўйишарди. Бу йил уларнинг жанжали жуда жиддий тус олди. Турсун қоранинг ўтган йилги ўрим ҳақидаги гапларни борича, Очил буванинг юзига айтгани унга ёқмади. Очил бува унинг устидан кулаётгандек бўлиб:

— Сенга қолгани ҳам бўлади, — деди.

Шундан сўнг Турсун қоранинг феълли ёмон тутди, Очил буванинг қаршига келди-да, юзига тик қараб:

— Мараз, иймонингга ўт тушин!

— Сен менга иймон ҳақида гапирясанми, — унинг гапини шартта бўлди Очил бува.

Лекин, Турсун қора уни гапиршга қўймай, сўкишда давом этди:

— Орқангда қоладиган битта боланг бўлмаса, ўласанми, уйингда ўтирсанг, қўйларингдан бирортасини сотсанг, қолганига етарли емиш оласан-ку, зикна!

Раимкул СУЯРОВ

(Давоми бор)

Ishonch
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба
уюшмалари
Федерацияси

Бош муҳаррир
Абдуҳолиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Газета ҳафтанинг сешанба, чоршанба,
жума ва шанба кунлари чиқади.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
ИВМ компьютерларида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ.
Сотувада эркин нархда.

E-mail: ishonch_doverie4@mail.ru

Бизга кўнгирик
қилинг:

Котибият
153-52-78;
Хатлар бўлими
153-85-43

Бизнинг манзил:
700165, Тошкент шаҳри,
«Бухоро» кўчаси, 24-уй.
Нашр кўрсаткичи: 133; 134

«Шарк» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон»
кўчаси, 41-уй.

Навбатчи котиб - Ш.Абдуллаев
Навбатчи муҳаррир - З.Рихсиев
Мусахҳах - Д. Камолов
Навбатчи - Ю.Очилдиев

Саҳифаловчи-дизайнер:
З.Бакиров ва Ю.Михайловский

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Топширилди -

Тиражи: 7540

Буюртма 1 — 916